

АБДУХАМИД НУРМОНОВ

ЛИНГВИСТИК
БЕЛГИ
НАЗАРИЯСИ

«Фан»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУҲАМИД НУРМОНОВ

**ЛИНГВИСТИК БЕЛГИ
НАЗАРИЯСИ**


ўқув қўлланма

Тошкент
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
2008

Лингвистика (ўзбек тилшунослииги) йўналиши бўйича
магистрантлар учун кўлланма

Масъул муҳаррир:
филология фанлари доктори
А.Собиров

Тақризчи:
филология фанлари доктори
Ш.Шаҳобиддинова



ISBN 978-9943-09-686-8

© Ўзбекистон РеспубликасиФА
«Фан» нашриёти, 2008 йил.

СҮЗБОШИ

Гилшуносликда тилнинг белгилар системаси эканлиги деярли барча тилшунослар томонидан эътироф этилди. Лекин лингвистик белгининг ўзи нима? Унинг таркибига нималар киради? Лингвистик белги билан тил бирликлари муносабати қандай? Бундай саволларга лингвистик адабиётларда бир хил жавоб йўқ. Шу билан биргаликда, ўзбек китобхонини лингвистик белги табиати билан таниширувчи ўзбек тилидаги бирон бир яхлит асарга эга эмасмиз. Бу эса олий ўқув юрганинг ўзбек филологияси факультетларида ушбу мавзуни ўрганишда маълум қийинчиллик туғдирмоқда.

1992 йилда муаллифнинг “Лисоний белги хусусиятлари” номли рисоласи майдонга келди ва Андижон давлат университети илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган эди.

Магистрантлар, аспирантлар, докторантлар, ёш филолог мутахассислар ўргасида лингвистик белги муаммосига қизиқишининг кўплиги, лекин бу муаммо юзасидан атрофлича маълумот берувчи маҳсус асарнинг шу кунгача йўқлигини эътиборга олиб, уни қайта ишлаб кўпроқ нусхада нашр қилишни мувофиқ деб ҳисобладик.

Агар сиз ушбу китобчадан белги ва тил белгиси юзасидан ўзингизни қизиқтирган масалалар бўйича озгина бўлса ҳам жавоб топсангиз, муаллиф маълум даражада ўз олдига қўйган вазифани бажарган бўлади.

ТИЛНИНГ БЕЛГИЛАР СИСТЕМАСИ ЭКАНЛИГИ

Тил кишилар ўртасидаги энг муҳим алоқа воситасидир. У объектив борлиқдаги маълум воқеа-ҳодиса ҳақида ахборот ташувчи асосий воситадир. Бундан ахборот ташишнинг бошқа йўллари ҳам борлиги маълум бўлади. Масалан, йўл ҳаракатидан маълумот берувчи воситалар, йўлдан ўтиш-ўтмаслик хабарини берувчи воситалар ва бошқалар. Бу жиҳатдан тил ҳам ахборот бериш учун хизмат қиласидаги воситалар сирасида туради. Уларнинг ҳаммаси учун умумий нарса, аввало, ўзи ҳақида ва шу билан бирга борлиқдаги маълум нарса-ҳодисалар ҳақида маълумот беришдир. Бундай воситалар белгилар деб номланади. Инсон ўзини қуршаб турган оламни билиш жараёнида олам унсурларини образлар орқали онгига акс эттиради ва бу онгда акс этган олам унсурлари белги орқали ифодаланади. Социал ахборотнинг ҳар қандай моддий ифодаловчилари белги ҳисобланади.

Тилнинг белгилар системаси эканлиги унинг асосий хусусияти ва универсал томонидир.

XIX аср охирига қадар белги назарияси билан асосан файласуфлар шуғулландилар. Факат XIX аср охиридан бошлаб бу масала руҳшуносларнинг ҳам диққатини жалб қила бошлади. Белги ҳақидаги фалсафий назария ўзининг узоқ тарихига эга.

Белги назариясининг вужудга келишида қадимги Грецияда эпикурйлар ва айниқса стоикларнинг хизмати катта бўлди. Бу икки фалсафий мактаб вакиллари, гарчи турли мақсадларни ўз олдига кўйган бўлсалар ҳам, лекин бевосита кузатишда берилган ҳодисалар билан сезги аъзолари ёрдамида ҳис қилиш мумкин бўлган моҳиятлар ўртасидаги ассоциатив алоқани ўрганишга асосий эътиборни қаратишда умумийликка эга бўлдилар. Масалан, бадан ҳаракати руҳ белгиси сифатида, юзнинг қизариши уялиш белгиси, тана титроби касаллик белгиси сифатида қаралади. Шундай қилиб, грекларнинг белги назарияси *semeiotike* (*sema* “белги”, *semiotikos* “белгини кузатиш”) номи билан тарқалди.

XVIII аср охирларида инглиз олимни Дж.Локк греклар томонидан кўпроқ медицинага нисбатан қўлланилган *semeiotike* ата-

масини инглиз фалсафасига олиб кирди ва унинг томонидан илмий триада деб ҳисобланган мантиқ, физика ва этика доирасида қўлланилди. Унинг фикрича, семиотиканинг мақсади нарсаларни тушунишда бу нарсалар ҳақида ҳосил бўлган билимни бошқаларга узатишида хизмат қиласиган белгилар табиатини ўрганишдан иборатdir.¹

Файласуфлар тъсирида XIX асрдан бошлаб тилнинг умумий назариясига бағищланган деярли барча лингвистик асарларда сўз икки томонлама характерга эга бўлган белги сифатида талқин қилина бошлади. В.Гумбольдт, Шлейхер, Штейнталъ, Л.Бреал, А.Мейе, Ф.Фортунатов, И.А.Бодуэн-де Куртенэ, Н.Крушевский асарларида сўзга белги нуқтаи назаридан ёндашилади. Лекин Ф.де Соссюр тилнинг белгили табиатини аниқ-равshan ёритиб берди. Ҳатто белги назария—си билан шуғулланувчи алоҳида фан семиология фани мавжуд бўлишини ва лингвистика ҳам семиология таркибига кириши лозимлигини таъкидлади.

Бир томондан, структурализмнинг муваффақияти, иккинчи томондан, семиотика фанининг ривожланиши туфайли, 50-йиллардан бошлаб белги муаммосига қизиқиш янада ортди. Лингвистик муаммоларни семиотик аспектда ўрганиш лингвистиканинг ўзининг ҳам ўрнининг ўзгаришига олиб келди. У ҳам “инсон билимлари системасида марказий ўрин олувчи фанга айланди”.²

Ҳозирги кунда белгининг турли аспектларини ҳисобга олувчи турли таърифлари мавжуд. Унинг ҳамма қирраларини ҳисобга олган ҳолда, Ю.С.Маслов шундай таъриф беради: “Белги - бу идрок қилинадиган нарса бўлиб, идрок қилувчига ўзи ҳақида ва ушбу белгидан ташқарида бўлган бошқа нарса ҳақида маълумот берувчи воситадир”³.


Белгини аниқлашда, одатда, унинг икки хусусияти кўрсатилади: Белгининг биринчи хусусияти идрок қилинишdir. Демак, идрок қилиниши учун маълум моддий асосга эга бўлиши керак. Белгининг моддий асоси турлича бўлиши мумкин; товуш (акустик), кўриш (оптика), маза (густатор) ва бошқалар.

¹Себеок Г. А. “Семиотика” и родственные термины// ВЯ. 1973, №6. С.44.

²Зегинцев В. А. Теоретическая и прикладная лингвистика. М., 1968. С.

³Маслов Ю. С. Какие языковые единицы целесообразно считать знаками?–В кн. Язык и мышление. М., 1967. с. 284. Яна қаранг: Богданов В. В. Семантико-синтаксическая организация предложения. Л., 1977. С. 5; Савченко А. Н. Язык и система знаков.//ВЯ. 1972, № 6. С. 24.

Белгининг иккинчи хусусияти ўзи ҳақида ва бошқа объект ҳақида маълумот беришдир⁴. Англашиладики, ҳар қандай белгидан ўзаро маълум муносабатда бўлган икки объект мавжуд бўлади. Объектлар ўртасидаги муносабат икки хил: сабаб-натижали муносабат ва шартли муносабат. Сабаб-натижали муносабатда ўзаро муносабатда бўлган объектлар мотивланган, шартли муносабатда эса мотивланмаган бўлади. Объектлар ўртасидаги бу икки муносабатни куйидаги схемалар орқали ифодалаш мумкин.



Демак, белгилар объектив реалликдаги ўзи акс эттирган объектига муносабатига кўра мотивланган ва мотивланмаган белгиларга бўлинади. Масалан, тутунни кўриб, ёнгин ёки олов ҳақида, ўрик гуллаганини кўриб, баҳор фасли ҳақида, сув жимирлаганини кўриб, балиқ ҳақида, тош сўзини эшишиб, қаттиқ жисм ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Биринчи объектлар (тутун, ўрик гули, сув жимирлаши, тош сўзи), иккинчи объектлар (олов ёки ёнгин, баҳор, балиқ, қаттиқ жисм) ҳақида ахборот бериш учун хизмат қиляпти. Булардан дастлабки уч объектлар ўртасида (тутун ва олов, ўрик гули ва баҳор, сув жимирлаши ва балиқ) габиий боғланиш, сабаб-натижали муносабати, яъни объектлар алоқасида мотивланиш (мотивация) бор. Охирги объектлар (тош сўзи ва қаттиқ жисм) муносабатида эса табиий боғланиш, сабаб-натижали муносабати (мотивация) йўқ. Улар ўртасидаги муносабат шартли.

Машхур Америка олими К. фон Фришнинг маълумотига кўра, асаларилар ўйини ҳам белги вазифасини бажаради. Асалари ўйинининг шакли ва частотаси озуқа манбайнинг масофаси ва йуналиши ҳақида маълумот беради. Доира шаклидаги ўйини озуқа манбайнинг асалари уясидан узоқ эмаслнгини, юз метр атрофи-

⁴ Панфислов В. В. О гносеологических аспектах проблемы языкового знака. // ВЯ. 1977, № 2. С. 3; Яни қаранг; Гегель. Сочинение. 111. М., 1956. С. 165,

да эканлигини, саккиз шаклидаги ўйини эса бирданига иккى ахборот озуқа манбайнинг масофаси юз метрдан анча ортиклиги ва йўналишини билдиради. Масофа маълум вақт ичидаги бажарилган ўйин шаклининг миқдорига боғлиқ. Масофа узунлиги асала-ри ўйини частотасига тескари пропорционалдир. Тўққиз-ўнта саккизлик бўлса юз метр атрофидаги масофани, еттига саккизлик шакли 200 метр масофани, тўрт ярим саккизлик шакли бир километр масофани, икки саккизлик шакли эса олти километр масофани кўрсатади. Масофа қанча узоқ бўлса, ўйин шунчак секин бўлади. Йўналиш эса «саккизлик» ўқининг нисбатига кўра белгиланади. Кўёшга нисбатан «саккизлик» ўқининг ўнгга ёки чапга бурилиш бурчаги йуналиш томонини аниқ кўрсатади⁵.

Асалари ўйинининг шакли ва частотаси билан улар ифодалаган ахборот ўртасида ҳам шартли, мотивланмаган муносабат бор.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бири иккинчиси билан алмашиниб келадиган ҳар қандай икки объектнинг бири белги бўла бермайди. Фақат бири ўрнида иккинчиси муттасил алмашинадиган ва бу алмашинув (энг муҳим) инсон онгида акс этгандагина белгилашади. Масалан, тутун оловнинг белгисидир. Аммо унинг белгилиги объектлар ўртасидаги табиий сабаб-натижа (сабаб-олов, натижа-тутун) муносабати эмас, балки бу муносабатнинг инсон онгида акс этганини, конвенционаллиги учундир. Акс ҳолда табиатдаги ҳар қандай сабаб-натижа муносабатида бўлган объектлар ўзларига табиий равишда белги яратиб олардилар.

Сабаб-натижа муносабатли (мотивланган) белгилар табиатдаги объектлар ўртасидаги муносабатни инсон онгида акс этишидан вужудга келади. Шартли муносабатли (мотивланмаган) белгиларда эса объектлар ўртасидаги муно-сабат инсон томонидан ҳосил қилинади. Ана шу субъектив ҳосил қилинган алоқа белги мазмуни (концепт ёки сигнifikat) ҳисобланади. Белги орқали ифодаланган объект эса денотат ёки референт терминлари билан номланади.

БЕЛГИ ТУРЛARI

XIX асрдаги белгилар системасига бағишланган фалсафий асарлар орасида Ч.С.Пирснинг асари алоҳида ажralиб туради. Семиотиканинг асосчиси саналувчи Ч. Морриснинг Ч.С.Пирс

⁵ Қаранг: Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1974. С.99; Акимушкян И. Проблемы этологии. М., 1985. С.105.

қарашларига таяниши ҳам бежиз эмас. Гарчи Ф. де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» асарида Ч.С.Пирс асарларига ишора сезилмаса ҳам, аммо бу икки олимнинг белгилар ҳақидаги қарашларидан бир-бирига жуда ўхшашлиқ бор. Шунинг учун ҳам Р.О.Якобсон «Икки олимнинг (Соссюр ва Пирснинг А. Н.) белгилар системасини ўрганишдаги ҳаракатида қандайдир генетик алоқа борми ёки фикрий мувофиқликни учратамизми, деган масалани ҳал қилиш жуда қизиқарли бўлар эди»⁶, - деган эди.

Ч.Пирс белгиларни биринчи маротаба тасниф қиласди. У белгиларни тасниф қилишда белгининг моддий томони ифодаловчи билан маъно томони бўлган ифодаланмиш ўртасидаги фарқланишга асосланади. Ана шу белги асосида Ч.Пирс белгиларни уч катта гурухга ажратади:

1. Санама белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи маълум даражада ифодаланмиш билан ўхшашликка эга бўлади: (Масалан, ҳайвонларнинг тасвир белгиси сифатида акс эттирилиши).

2. Индекс белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи ифодаланмиш билан сабаб-натижа ёки бошқа муносабат (яқинлик, макон ва замондаги боғлиқлик ва бошқалар) орқали боғланади. Масалан, тутун оловнинг индекс белгиси саналади.

3. Символ белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасида шартли, конвенционал, мотивланмаган муносабат мавжуд бўлади. Бу муносабат эркин ва маълум қоида асосида вужудга келади⁷. Ана шу жиҳатдан лингвистик белгилар символ белгиларга ўхшайди. Лекин белгилар типологиясида алоҳида ўрин эгаллайди.

ЛИНГВИСТИК БЕЛГИЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОСХУСУСИЯТЛАРИ

Мотивланмаган белгилар ичida лингвистик белги алоҳида ўрин эгаллайди. Лингвистик белгилар конвенционалиги билан мотивланмаган барча белгилар билан умумийликни ҳосил қиласа ҳам, аммо ахборот ташиш имкониятининг кенглиги, дискретлиги, акустиклиги, кўпсатхлилиги ва бу сатҳ бирликлари ўртасидаги погонали (иерархияли) муносабатнинг мураккаблиги билан бошқа мотивланмаган

⁶ Қаранг: С лю с а р е в а Н. А. Теория Ф. де Соссюра в свете современной лингвистики. М., 1975. С. 31.

⁷ Қаранг: Гамкрелидзе Т. В. К. проблеме произвольности языкового знака./ /ВЯ. 1976, №6. С. 33.

белгилардан фарқ қиласы. Шунинг учун ҳам лингвистик белги алохидада типдаги белгидир. Ф. де Соссюр ҳам лингвистик белгининг курилиш моделини тавсия этиб, унинг икки асосий принципини белгилайди: ифодаланмишнинг эркинлиги ва кетма-кетлиги.

ЛИНГВИСТИК БЕЛГИННИНГ ЭРКИНЛИГИ

Биринчи принцип ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабат асосида белгиланади.

Лингвистик белгининг бу икки планы ўртасидаги муносабат антик даврдан бүён файласуфлар, руҳшунослар ва лингвистлар ўртасида қызғин баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда.

Қадимги юонон файласуфлари Гераклит номи билан у ифодалаган предмет ўртасида боғлиқлик бор, деган тезисни олға сурган бўлса, Демокрит бу қарашни инкор қиласы ва ном билан у ифодалаган предмет ўртасидаги муносабат эркиндин, дейди. У ном билан предмет ўртасидаги номутаносибликни қуидаги далиллар билан исботлайди: 1) бир предмет бир неча ном билан аталиши мумкин (ном- предметга нисбатан кўп, ортиқча); 2) бир неча предмет бир ном билан аталади (ном предметга нисбатан кам, етишмайди); 3) маълум предметларнинг номлари даврлар ўтиши билан ўзгариши мумкин.

Бу масала бугунги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Ф.де Соссюрнинг талқинига кўра, ҳар қандай лингвистик белги ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади. Лингвистик белгининг ифодаловчиси ва ифодаланмиши орасидаги муносабат эркиндин. Масалан, *она* тушунчаси *o-n-a* товушлари кетма-кетлиги билан ҳеч қандай ички муносабатга эга эмас. Бу тушунча бошқа ҳар қандай товушлар кетма-кетлиги асосида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу турли тилларда мазкур тушунчанинг турлича ифодаланиши ва турли тилларнинг мавжудлиги билан ҳам изоҳланади.

Бу ўринда *э р к и н л и к* атамасининг маъносига алохидада аҳамият бериш лозим бўлади. Гарчи лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш томони ўртасидаги муносабат эркин бўлса ҳам, лекин бундан сўзловчи белгининг ифодаловчи томонини эркин танлайди, деган хуносага келмаслик лозим.

Сўзловчи лингвистик белгининг жамоатчилик томонидан қабул қилинган ифодаловчи томонига озгина бўлса-да ўзгариш кирита

олмайди. У ўзининг тил хотирасида ўзигача бўлган ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатидан ташкил топган лингвистик белгини бир бутун ҳолда ўзлаширади.

Лингвистик белгининг эркинлиги фақат унинг ифодаловчи томонининг ифодаланмиш томонига нисбатандир. Чунки бу икки гомон ўргасида ҳеч қандай табиий алоқа йўқдир.

Шу билан бирга, тил системасида бу тамойилга истиснолар ҳам учрайди. Хусусан, Ф.де Соссюр товушга тақлид сўзлар билан ундов сўзларни ана шундай белгилар қаторига қўшади. Лекин уларнинг кам сонлиги ва тил системасининг “органик элементи” эмаслиги, шунинг учун бу ҳолатлар лингвистик белгининг эркинлиги тамойилини рад этолмаслигини таъкидлайди⁸.

ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ КЕТМА - КЕТЛИГИ

Лингвистик белгининг иккинчи принципи ифодаловчининг кетма-кетлигидир. Ф.де Соссюр асарида бу принцип биринчи принципга нисбатан камроқ ўрин олган бўлса ҳам, лекин унга катта аҳамият берилди.

Ифодаловчи ўз табиатига кўра эшлиши сезгиси орқали қабул қилиниш хусусиятига эга бўлганлиги туфайли вақтда кенгайиб боради. Шунинг учун у вақт белгисига кўра тавсифланади: а) у чўзиқлик белгисига эга; б) чўзиқлик бир ўлчовга эга.

Лингвистик белгининг бу белгиси тадқиқотчилар диққатини кам жалб этади. Чунки у аниқча ўхшаб кўринади. Ф.де Соссюрнинг таъкидлашича, лингвистик белгининг кетма-кетлик тамойили худди биринчи тамойил каби муҳимдир. Бутун тил механизми, бу тамойил билан боғланган.

Лингвистик белгининг бошқа белгилардан, хусусан, денгиз сигналларидан асосий фарқи шундаки, у эшлиши орқали қабул қилинади ва эшистилган ифода томони товуш кетма-кетлигига эга. Бир вақтнинг ўзида икки товушни талаффуз қилиб бўлмайди. Бир элемент талаффуз қилингандан сўнг, иккинчиси талаффуз қилинади. Айниқса, лингвистик белгининг ифодаловчиси ёзув орқали ифодалангандага унинг бу хусусияти яна ҳам равшан намоён бўлади. Бир ҳарфдан сўнг иккинчиси ёзилади.

⁸ Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. Труды по общему языкознанию. М.: «Прогресс», 1977. С.102.

Лингвистик белгининг кетма-кетлиги унинг бошқа белгилар билан синтагматик муносабатини кўрсатади. Лингвистик белгининг бу хусусияти тил ва нутқ алоқасига ҳам ишора қиласди.

ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ ДИСКРЕТЛИГИ

Лингвистик белгининг учинчи хусусияти ҳам мавжуд. Бу ифода томонининг дискретлиги, яъни майдада элементларга ажралиш хусусиятидир. Дискретлик лингвистик белгининг кетма-кетлик хусусияти билан узвий боғлик. Нутқий жараёнда ўзаро кетма-кет қўлланувчи лингвистик белгилар парчаланиш хусусиятига эга. Ифодаловчи томондан бўлинишнинг энг кичик парчаси *тovуш* саналади. Шунингдек, белги ифодаланмиш томонидан ҳам парчаланиш хусусиятига эга. Масалан, *она* - лексемаси “қариндошлиқ”, “бир бўғинга мансублик”, “катталиқ”, “аёл жинсига мансублик” семалари умумлашмасидир. Лекин бу бўлиниш илмий тафаккур маҳсули бўлиб, ифодаловчи бўлинишдан тамоман фарқ қиласди. Ифодаланмиш томонидан бўлинишнинг энг кичик парчаси эса *сема* саналади.

ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ ЎЗГАРМАСЛИК ВА ЎЗГАРУВЧАНЛИГИ

Ф.де Соссюр белгининг «ўзгарувчанлик ва ўзгармаслик» антиномиясини белгининг эркинлиги тамойилининг амал қилиш оқибати деб ҳисоблайди.

Белгининг ўзида эркинлик ва мажбурийлик антиномияси амал қилишини таъкидлайди. Бир томондан, ўзи ифодалаган тушунчага нисбатан ифодаловчи эркин бўлса, иккинчи томондан, бу белгилардан фойдаланувчи тил жамоаси учун ифодаловчи мажбурийдир. Чунки тил олдинги даврнинг мероси сифатида кейинги авлодларга ўтади. Маълум бир тушунчанинг номини ҳар ким ўзи хоҳлаганича ўзгартиролмайди. Ҳар бир жамият тилнинг олдинги даврдан мерос бўлиб ўтадиган, қандай бўлса, шундай ҳолда қабул қилинувчи тайёр маҳсулот эканлигини яхши биладилар.

Гилнинг муайян бир даврдаги ҳолати тарихий факторларнинг маҳсулидир. Бу эса белгининг ўзгармаслик сабабини кўрсатади. Лекин тил ўтмиш мероси деган ҳукм билан чеклансан, у тилдаги ўзгариш жараёнлари ҳақида ҳеч қандай тасаввур бермайди.

Белгининг эркинлиги назарий жиҳатдан унинг моддий томони билан маъно томони ўртасидаги муносабатнинг эркинлигини таъминлайди. Демак, белги остида бирлашган бу икки томон эркин равишда яшайди ва муайян кучлар таъсирида ривожланади. Эволюция ё товуш томонини, ёки маъно томонини қамраб олади. Бу эволюция муқаррардир. Ундан ҳоли бўлган бирорта тил учрамайди. Маълум вақт оралиғида ҳар бир тилда сезиларли равишда ўзгариш рўй беради.

Белгининг замонда узлуксизлиги ва ўзгарувчанлиги умумий семиология тамойилидир. Буни ёзув системасида, кар-соқовлар гилида яққол кузатиш мумкин.

Белгининг узлуксизлик сабаби кузатишга аниқ берилади. Лекин белгининг замонда ўзгариши сабаби ҳақида бундай фикрни айтиб бўлмайди. Замон ҳар қандай нарсани ўзгартиради. Тил ҳам бу умумий қоидадан мустасно эмас.

Ф.де.Соссюр белгининг «ўзгарувчанлик ва ўзгармаслик» хусусияти ҳақида фикр юритар экан, куйидаги холосага келади:


1. **Нутқий фаолиятнинг** икки таркибий қисмдан (*faktuer*): тил ва нутқдан ташкил топганлиги эътироф этилади. Соссюр учун тил бу *нутқий фаолият минус нутқdir*. У алоҳида шахснинг бошқалар фикрининг тущуниши учун имкон берадиган тил кўникмалари йиғиндисидир.

2. Лекин тилнинг бу таърифи уни социал реалликдан ташқарида қолдиради. У фақат реалликнинг бир томонини индивидуал аспектинигина ўз ичига олади. Тил бўлиши учун эса сўзлашувчи жамиятнинг бўлмоғи ҳам лозим. Тил жамиятдан ташқарида мавжуд бўлмайди. Чунки тил семиологик ҳодисадир. Тилнинг социал габиати унинг ички хусусиятларидан биридир. Тилнинг тўлиқроқ таърифи икки ўзаро боғлиқ ҳодисаларни тил ва сўзлашувчи жамоа ўртасидаги муносабатни қамраб олиши лозим бўлади. У куйидаги схема орқали ифодаланади:



Бу схема тилнинг ҳаётга қодирлик имкониятинигина ифодалайди холос. Ҳали бу схема остида берилаётган тил яшаётган тил эмас. Чунки у фақат тилни социал реаллик белгисинигина қамраб олади холос.

Сўзлашувчи жамоани замондан ташқарида қараш социал кучларнинг тилга таъсирини ўрганишга имкон бермайди. Ҳақиқатга яқинлашмоқ учун юқоридаги схемага замон ҳаракатини ифодаловчи белгини кўшиши лозим бўлади, яъни:



Бу схемада замон социал кучларнинг тилга таъсир қилишига имкон бериши акс этади. Шундай қилиб, тилнинг замонда узлуксизлиги эътироф этилади. Узлуксизлик эса ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги муносабатнинг даврлар ўтиши билан маълум даражада ўзгаришини таъминлади.

Шундай қилиб, Ф.де.Соссюр таълимотида тилнинг социаллиги эътироф этилиши билан бирга, уни индивидуаллик ва социаллик, тил ва нутқ, барқарорлик ва ўзгарувчанлик, эркинлик ва мажбурийлик дихотомиялари асосида ўрганиш марказий ўринни эгаллади.

БЕЛГИ СТРУКТУРАСИ

Тилшуносликда тилнинг белгилар системаси эканлигига икки хил ёндашув бор. Биринчи ёндашув тарафдорлари тилнинг белгилар системаси эканлигини умуман рад этадилар. Бу назария идеалистик назария сифатида баҳоланади. Хусусан, Л.О.Резниковнииг дастлабки асарларида бу нуқтаи назар ёрқин акс этади. Унинг фикрича, тилшуносликда агностицизм биринчи навбатда, тилнинг белгилар системаси эканлиги ҳакидаги назарияда ифодаланади. Инъикос назариясига асосланган диалектик материалистик таълимот агностицизмнинг бу кўринишини кескин

танқид қилиш лозимлигини таъкидлайди. Лингвистик белги ҳақидаги назария файриилмий назариядир. У тилшуносликка энг заарарли агностик қараашларнинг кириб қолиш воситасидир, шунинг учун ҳам уни фош қилиш ва рад этиш зарур,⁹ дейди.

Р. А. Будагов ҳам лингвистик белги ҳақидаги назарияни инкор этади. У ҳар қандай миллий тил маълум ифодалар системасигина эмас, балки бу тилда мулоқот қилувчиларнинг барча фаолиятини ўзига хос акс эттириш натижаси ҳамдир, дейди. Унинг таъкидлашича, тилнинг белгили табиати концепцияси миллий тиллар табиатини ва шу билан бирга лингвистикани ҳам ниҳоятда камбағаллаштиради¹⁰.

Лингвистик белги назариясини инкор этувчиларнинг ҳаммаси лингвистик белги табиати ҳақидаги бир йўналиш монолетарилистик (белгининг бир ёқламалилиги) йўналишга нисбатан фикр юритадилар. Белгини фақат шаклдан иборат, деган фикрга асосланадилар.

Б.А.Серебренников тўғри таъкидлаганидек, лингвистик белги назариясини умуман рад этувчи олимлар икки нарсани коммуникация воситаси сифатидаги лингвистик белги табиати ва белги-маъно-нарса (ҳодиса) муносабати муаммоларини аралаштирадилар.

Даврлар ўтиши билан тилнинг белгилар системаси эканлиги ҳақидаги назария аста-секин эътироф этила бошланди. Лекин лингвистик белги тузилиши масаласида икки хил оқим вужудга келди.

Биринчи оқим тарафдорлари лингвистик белги тузилишига фақат ифодаловчини киритадилар. Хусусан, Е.М.Галкина-Федорукнинг фикрича, товуш комплекси объектив борлиқдаги маълум предмет ҳақидаги умумхалқ тушунчасининг ифодаловчисидир. Шунинг учун ҳам сўз орқали ифодаланган тушунчани эмас, балки фақат сўзнинг говуш комплексинигина белги дейиш мумкин. Сўзнинг «маъноси»да ҳам «белги»ни кўришнинг ҳар қандай имкониятини мутлақо йўқотиши керак. Сўз ўзининг товуш состави билан борлиқдаги ҳодисаларнинг онгдаги инъикоси бўлган тушунчаларни ифодалайди, шу билан бирга, тушунчаларни шакллантириб номлади. Демак, сўз предметлар копияси ҳам эмас, уларнинг белгиси ҳам эмас¹¹.

⁹ Р е з н и к о в Л. О. Против агностицизма в языкоznании.// Изв. АН 1948, ОЛЯ. Т. VII. Вып. 5. С.401.

¹⁰ Б у д а г о в Р.А. Борьба идей и направлений в языкоznании нашего времени. М., 1978. С. 49.

¹¹ Г а л к и н а – Ф е д о р у к Е. М. Слово и понятие. М., 1956. С.21.

Илгари лингвистик белгини мутлақо инкор этган Л.О.Резников ҳам кейинги асарларида бу назарияни эътироф эта бошлади ва фақат товуш комплексинигина лингвистик белги деб ҳисоблали. У сўзнинг товуш томони¹² моддий характерга эга бўлиб, предметга нисбатан белги вазифасини бажаради, дейди. Унинг таъкидлашича, маъно предметни бевосита эмас, балки билвосита товуш томони орқали акс эттиради, чунки борлиқнинг умумлашган ички мазмуни фақат иккинчи сигнал системаси орқали, яъни умумлашган маънога эга бўлган товушлар комплексини талаффуз ва қабул қилиш жараёнида вужудга келадиган маҳсус физиологик алоқалар системаси орқали амалга оширилиши мумкин¹³.

Бу концепциянинг фаол тарафдорларидан бири В.З.Панфиловдир. У бир бутун тил бирлигини эмас, балки фақат унинг материал томонини белги деб ҳисоблаш кераклигини, тил белгиси икки томонли эмас, балки бир томонли моҳият эканлигини кўрсатади¹⁴.

Белгининг бир томонлама эканлигини поляк тилшуноси Л. Завадовский кўйидагича таърифлайди: «Белгининг икки томонлама табиати тарафдорлари таянган асос тўғри. Белги, дарҳақиқат, шунинг учун белгики, у маънога эга. Лекин бундан белги икки элементдан ташкил топган бир бутунлик, комбинация деган хуласага келмаслик керак. Ахир боғ эгасини киши плюс боғ тарзида икки томонлама моҳият сифатида талқин этиши керакми?».

В.М. Солнцев ҳам белгининг бир томонлама эканлигини маъкуллайди. У тўғри таъкидлагани каби, маънони белги таркибиغا киритиш ёки киритмаслик, бошқача айтганда, белгининг бир ёқлама ёки икки ёқлама моҳият эканлигини тан олиш кўп жиҳатдан маъно табиатини турлича тушунишга боғлиқ. Ҳозирги кунда маънони икки хил тушуниш мавжуд:

1) муносабат тури сифатида (а) белгининг ифодаланмиш предметига муносабати, (б) тушунчага муносабати ва 2) идеал акс эттириш сифатида. Биринчи қараш бўйича белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашишга асос бор. Иккинчи қараш бўйича эса йўқ. Шунинг учун ҳам белгининг икки томонли эканлигини ҳимоя қилувчилар белги ҳақидаги иккинчи қарашни таҳқид қиласдилар.

¹² Р е з н и к о в Л.О. Неопозитивистская гносеология и знаковая теория слова // -Вопросы философии. 1962, № 2. С.100

¹³ А Р е з н и к о в Л. О. Ўша асар. 101-бет.

¹⁴ П а н ф и л о в В.З. Философские проблемы языкознания. М., 1977. С.80.

Маънони тушунча билан бир ҳолда инъикос категорияси сифатида, айни пайтда, онг факти сифатида тан олиш маънони белги таркибига киритишга монелик қилади ва белгини бир томонлама моҳият деб қараашга асос бўлиб хизмат қилади.

Маъно онг факти сифатида «идеал нарса» (ҳаракат, белги, миқдор ва бошқалар), «ақлий предметдир»¹⁵.

Маъно «ақлий предмет» сифатида худди тушунча каби турли-ча бўлиши мумкин: а) ташқи оламнинг (турли даражадаги аниқлик ва адекватлик билан) нусхаси. Масалан, «дарахт» маъноси онгда конкрет предметлар синфининг, «юрмоқ» маъноси реал ҳаракатлар синфининг акс этишидир; б) ташқи оламни бузилган ҳолда акс эттириш ёки ижодий фантазия натижаси: дев, сув париси ва бошқалар.

Маънонинг биринчи типида *д-a-p-a-x-t* товуш қатори ҳар қандай реал предметни акс эттириш учун қўлланилиши мумкин. Бу ҳолда белги, яъни *д-a-p-a-x-t* товуш қатори ўзидан ташқари-даги маълум нарса ҳақида маълумот беради.

Белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашувчилар, одатда, «дарахт» маъносига эга бўлган белги реал борлиқдаги предметни ифодалаш учун хизмат қилади, дейдилар.

В.М. Солнцев талқинига кўра эса *д-a-p-a-x-t* товуш қатори, яъни белги энг аввало, маънога, ақлий предметга, «умуман да-рахт»га ишора қилади, шунинг учун у ҳар қандай конкрет «да-рахт» билан мувофиқ келиши мумкин. «Ақлий предмет», «ақлий ҳаракат», яъни умумлашмалар ортида реал предметлар, ҳаракатлар туради ва бу умумлашмалар ҳар қандай ҳолда белги билан ифодаланиши мумкин.

Иккинчи типдаги маънода эса (дев, сув париси) реал предметлар бўлмаганлиги учун белги (товуш қатори) фан—тазия маҳсулоти сифатида фақат онгда мавжуд бўлган «ақлий предмет»ларгагина ишора қилади. Унинг фикрича, белги ишора қилган нарса белги таркибига кирмаслиги керак. Маъно онг факти, мия вазифаси сифатида фақат кишилар онгидан мавжуд бўлади. Белги эса моддий предмет сифатида инсондан ташқарида яшайди. Маъно белгидан ажralмасдир. Лекин айни пайтда, у тўлиғича белгига teng эмас.

Белгининг икки томонламалилиги концепциясида маъно бел-гининг ифодаланаётган предметга муносабати сифатида талқин қилинади. Белгининг бир томонламалилиги концепциясида эса

¹⁵ Қаранг: Ветров А. И. Семиотика и ее основные проблемы. М., 1968. С. 74; Солнцев В. М. Языковой знак и его свойства. // ВЯ. 1977, № 2. С.17.

маънога муносабат сифатида ёндашувнинг тўғри эмаслиги таъкидланади¹⁶.

В.М.Солнцевнинг фикрича, ифода ва маъно бирлиги тил бирлигини ҳосил қиласи. Масалан, сўз, морфема. Унинг таъкидлашига кўра, тил бирлиги ҳақида гап кетганда, албагта, унинг составига маънони кўшиш керак. Тил бирлигининг маъносида шу тилда сўзлашувчи халқнинг тажрибаси акс этган. Тил бирлиги бир бутун сифатида ўзининг маъноси орқали ташки олам билан боғланади. Тил бирлиги бир бутун сифатида белги эмас. У белги ва маънодан ташкил топган.

Айрим олимлар онг элементларини ҳам белги ҳисоблаш тарафдорлари дидир. Тилшуносликда бундай фикрни дастрлаб В.Н.Во-лошинов ўзининг “Марксизм ва тил фалсафаси” асарида (1929 йил) ўргага ташлади. Ҳозирги кунда бундай қараш А.А.Уфимцева, Н.Д.Арутюновалар томонидан олга суримоқда. Хусусан, А.А.Уфимцева борлиқдаги предмет ва ҳодисаларнинг идеал акс этиши белгилар дунёсини вужудга келтиради¹⁷, дейди.

Н.Д.Арутюнова эса “Грамматик системанинг минимал бирлиги ҳақида” мақолосида тил икки белгилар системасидан иборат, деган холосага келади. Бири товуш белгиларидан иборат бўлиб, тушунчани ифодалайди, иккинчиси эса борлиқдаги предмет, ҳодисаларни акс эттирувчи тушунчалардан ташкил топади¹⁸.

Иккинчи оқим вакиллари эса белгининг икки томонлама моҳиятидан келиб чиқиб, уни ифодаловчи ва ифодаланмиш бирлигидан ташкил топган, дейдилар (Кассериу, Рассел, Соссюр, Вандриес, Сепир, Ельмслев, Блумфильд, Виготский, Волошинов, Серебренников ва бошқалар).

Ф.де Соссюр “Умумий лингвистика курси” асарида белгини ифодаловчи (акустик образ) ва ифодаланмиш (тушунча) бирлиги сифатида талқин этади. Унинг фикрича, лингвистик белги нарса ва унинг номи бирлигидан эмас, тушунча ва акустик образ ўртасидаги муносабат бирлигидан иборат. Акустик образ соғ моддий ҳодиса эмас, балки товушларнинг психик зухури ҳисобланади. Шунинг учун белги икки томонлама психик моҳият ҳисобланади¹⁹. Бу билан у лингвистик белгининг абстракт моҳият эканлигига ишора қиласи. Фанда бу оқим “билатериа-

¹⁶ С о л н ц е в В. М. Ўша асар. С.19.

¹⁷ Общее языкознание // Формы существования языка. М., 1970. С.181-182.

¹⁸ Единицы разных уровней грамматического строя языка и их взаимодействие. М., 1969. С.44-45.

¹⁹ С о с с ю р Ф.д. Ўша асар.99.

листик оқим” номи билан машхур бўлди. Б.А.Серебренниковнинг фикрича, белгининг икки томонламалилиги концепцияси ҳақиқатни тўғрироқ акс эттиради. Чунки маънодан ташқари белгининг бўлиши мумкин эмас. Товуш қобигини маънодан ажратиш катта методик хатодир²⁰.

Белгининг монолатераллигини ёқловчилик маънони борлиқнинг акс этиши, белги орқали ифода қилинган объектив факт деб изоҳлайдилар. Шу билан бирга, борлиқнинг инъикоси бўлган тушунча ҳам мавжуд. У ҳолда инъикос этишнинг бу икки тури ўргасида, яъни маъно ва тушунча ўргасида қандай фарқ бор? Е.М.Галкина-Федорук тушунчани мантиқ категорияси, маънони эса лингвистик категория эканлигини таъкидлайди²¹. Лекин Б.А.Серебренников кўрсатганидек, бу икки ҳодисанинг юқоридаги каби фарқланиши нутқда бир вақтнинг ўзида икки хил акс эттириш мавжуд эканлигини тушунтириб беролмайди. Е.М.Галкина-Федорук томонидан сўзнинг лексик маъноси сўзлашувчи коллектив томонидан борлиқнинг у ёки бу ҳодисаси билан боғланиши сифатда талқин қилинади.

Дарҳақиқат, тушунча ва маъно ўргасида катта фарқ бор. Предметнинг инъикоси инсон онгига табиий равища рўй беради. Предмет белгиларининг умумлашмаси сифатида предмет образи гавдаланади.

Товуш комплекси ва реалликдаги предмет ўргасида дастлаб ҳеч қандай алоқа мавжуд бўлмайди. Бу ерда акс эттириш деб номланиши мумкин бўлган ҳодиса йўқ. Товуш комплекси билан предмет ўргасидаги алоқа инсон томонидан ўрнатилади.

Товуш комплекси билан предмет ўргасидаги бундай шартли муносабат бўлганда товуш комплекси кўрсатиш, ишора қилиш вазифасини бажаради. Маъно тушунчадан фарқли равища доимо ҳосил қилинади, табиий асосда келиб чиқади.

Б.А.Серебренников маъно ва тушунчани бир-биридан фарқлаган ҳолда, маънони инъикос категорияси эканлигини инкор қиласди. Унинг таъкидлашича, шартли ва сунъий равища тикланган алоқага ҳеч қачон акс эттириш сифатида қараш мумкин эмас. Аслида маъно бу товуш комплексининг тушунча билан инсон томонидан ўрнатилган шартли алоқаси²². П.В.Чесноков ҳам

²⁰ Серебренников Б. А. Ўша асар. 76-бет.

²¹ Галкина – Федорук Е. М. Слово и понятие. М., 1956. С.82.

²² Серебренников Б. А. О материалистическом подходе к явлениям языка. М., 1983. С.71.

маъно муносабатда мавжуд эмас, фақат шу муносабатда ҳосил қилинишини таъкидлайди²³.

И.П.Сусов фикрига кўра, ифодаланмишнинг тилдаги қарама-қарши аъзоси бир бутун белгининг барча томони эмас, балки унинг фақат бир томонини субстанциал томони саналади. Белгининг бу томони унинг ифодаланмишидир. Демак, ифодаланмиш белгининг фақат бир томони субстанциал томонини ташкил этади. Белгининг бошқа томони маъно ҳисобланади. Маъно тил ифодасининг тилдан ташқаридағи ифодаланмишга муносабатини кўрсатади. Бунга мувофиқ, маъно тил субстанциясиға функционал кўшимча сифатида иштирок этади, субстанцияга ҳаёт багишлайди, белгининг субстанциал ва функционал томонларини бир бутун сифатида шакллантиради.

А.А.Уфимцева лингвистик белги маъносини аниқлашнинг мураккаб эканлигини, чунки лингвистик белгининг бир вақтнинг ўзида бир қанча функцияда келишини таъкидлайди. У белги шаклнинг ифодаланмиш билан муносабати икки томонлама эканлигини кўрсатади: 1) ифодаланмишнинг белги шаклига муносабати; 2) ифодаланмишнинг предметга (объектив фактга) муносабати. Булардан биринчиси маъно, иккинчиси эса ифода ҳисобланади. Белги маъносининг шаклланишида ўзаро боғланган юқоридаги уч қисм (белги-предмет ҳақидаги тушунча-предмет) маълум даражада акс этади. А.А.Уфимцева ўз фикрини янада конкретроқ, қилиб, маънени белги вазияти қисмлари ўргасидаги алоҳида муносабат сифатида характерлаш мумкинлигини кўрсатади. Белги билан ифода предмети ўргасидаги алоҳида муносабат остида инсон орқали юзага чиқадиган алоқа тушунилади²⁴.

Шундай қилиб, белги маъноси объектив қатордаги ифодаланмиш билан ҳам, субъектив қатордаги ифодаланмиш-денотат билан ҳам тенг эмас. Ифодаланмиш белгидан ва тилдан ташқарида қолади. Маъно эса белгининг бир томонини ташкил этади ва тил мақомига эга бўлади.

Бизнинг назаримизда, белгининг бир ёқламалиги ва икки ёқламалиги муаммоси маънога икки хил ёндашув билан боғлиқ. Белгига бир ёқлама моҳият сифатида ёндашувчилар инъикос жараёнини уч босқичдан иборат деб талқин қиласидилар: нарса-

²³ Чесноков П. В. Основные единицы языка и мышления. Ростов, 1966. С.64.

²⁴ Қаранг: Общее языкознание // Формы существования, функции, истории языка. М., 1970. С.124-125.

нарса белгиларининг умумлашмаси, нарса образи, яъни нарса ҳақидаги тушунча акустик хосса (ифодаловчи). Иккинчи босқич-нарсани акс эттириш босқичи, онг факти белгидан ташқарида қолдирилади. Бу босқич борлиқдаги нарсани акс эттириш босқичи сифатида белгига икки ёклама моҳият деб ёндашувчилар томонидан ҳам белги таркибига киритилмайди. Бу жиҳатдан юқоридаги икки оқим ҳамфирдирлар. Лекин иккинчи оқим тарафдорлари инъикос жараёнини уч босқичга эмас, балки тўрт босқичга бўладилар. Маъно билан тушунчани бир-биридан фарқлайдилар: нарса-тушунча-муносабат (маъно)-акустик хосса (ифодаловчи). Бунга мувофиқ, ифодаловчи билан нарсанинг умумлашган образи, яъни тушунча ўргасидаги муносабат маъно саналади. Шунинг учун ҳам маъно белги таркибига киритилади.

Биз ушбу ишда белгининг икки томонламалиги ҳақидаги қарашни маъқуллаймиз ва инъикос жараёнини тўрт босқичли эканлигини зътироф этамиз. Лекин маънони бошқача талқин этамиз. Бунга мувофиқ, лингвистик бирликнинг моҳияти моддий томони билан (белги билан) фоя томони (маъно)нинг бирлигидан иборатдир.

И.П.Сусов маъно моҳиятини англаш ва унинг характерини белгилаш учун ифодаловчи ва ифодаланмиш таҳлилига таяниш кераклигини зътироф этамиш. Ифодаланмиш маъно (смысл), семантик предмет (сигнifikat), реал предмет (денотат)ларнинг бирлигидан иборат. Маъно семантик предметнинг аж-ралишига асос бўлган белгилар мажмусидир. Белгилар мажмуси билан ажralадиган аниқланувчи предмет семантик предмет ҳисобланади. Масалан, тоға сўзи ўзидаги беш белгини (семани) мужассам этган маънодан иборат: 1) эркак жинсига эга бўлган шахс; 2) қариндош; 3) ўгайлик белгиси бўлмаган қариндош; 4) нисбий қариндош (она орқали), 5) бир авлод катта. Юқоридаги белги асосида ажralадиган шахс *тоға* сўзининг семантик предмети саналади. Семантик предмет ҳам объектив борлиқнинг акс этишини курсатади. Семантик предмет реал предметнинг онгдаги инъикоси саналади. Юқоридаги тоға сўзи объектив реалликдаги онгдан ташқарида мавжуд бўлган, реал предметни акс эттиради. Семантик предмет ҳам, реал предмет ҳам ифодаланмиш таркибига киради. Улар ўргасидаги фарқ шундаки, биринчиси акс эттирувчи, иккинчиси эса акс этувчи ҳисобланади. Семантик пред-

²⁵ Сусов И. П. Семантическая структура предложения. Тула, 1973. С.7.

мет семантик белгилар. семалар-конъюнкцияси орқали, денотат эса (агар у турдош от бўлса) реал предметлар дизъюнкцияси орқали, ажратилади. Бу жиҳатдан атокли ва турдош отлар денотати бир-биридан фарқ қиласди. Атокли отлар денотати объектив борлиқдаги ёлғиз предметлар бўлса, турдош отлар денотати эса борлиқдаги реал предметлар дизъюнкциясидир. Шундай қилиб, номлаш назарияси сўз, семантик предмет, реал предмет (денотат) ва маъно бўлишини тақозо қиласди. Тишиносликда қўйидагилар ҳақида фикр юритишга тўғри келади: 1) табиий тил сўзи ҳақида; 2) бу сўзниң семантик иштирокчилари, яъни моддий оламнинг инсон онгида акс этиши ва сўз орқали ифодаланиши ҳақида; 3) инсон онгида акс этадиган ва сўз орқали ифодаландиган объектив олам предметлари, ҳодисалари ҳақида²⁶. Денотатив маъно инсон онгидан ташқарида бўлган объектив оламдаги нарса, ҳодисалар ва улар ўргасидаги алоқаларнинг онгда акс этишидир. Семантик предмет билан реал предмет ўргасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчиси акс этади, иккинчиси акс эттирилади²⁷. Сигнификатив маъно денотатив маънога нисбатан иккиламчи характерга эга. Чунки оламни билиш жараёнида объектив олам элементларининг энг муҳим белгилари инсон онгида акс этади ва онгда акс этган объектив оламдаги бир қанча нарсалар, ҳодисалар ҳақидаги бу психофизиологик субстрат тил белгиси орқали ифодаланади. Англашиладики, лингвистик белгининг асосий қисми бир вақтнинг ўзида ҳам денотатив, ҳам сигнификатив маънога эга бўлади. Бундай вақтда лингвистик белгининг денотат билан алоқаси сигнификат орқали рўёбга чиқади. Бунга мувофиқ тил қўйидаги уч ҳодисани ўзида мужассамлантиради: 1) материал олам ҳодисаси сифатида белгини; 2) объектив оламни акс эттирувчи идеал ҳодисани; 3) мавжудлиги идеал ҳодисага ва унинг белгисининг мавжуд бўлишига боғлиқ бўлмаган объектив борлиқни. Т. П. Ломтевнинг таъкидлашича, лингвистик белгининг моҳияти белги ва унинг маъносининг (сигнификат) конвенционаллигини эмас, .балки объективлигини эътироф этишдир. Белги маъноси ва объект ўргасида акс эттириш муносабати мавжуд. Кўп ҳолларда сигнификат объектив оламда корреляти бўлмаган, инсон томонидан сунъий равишда ҳосил қилинган образни билдириши мумкин: худо, дев, пари ва бош-

²⁶ Ломтев Т. П. Общее и русское языкознание. 17-бет.

²⁷ Сусов И. П. Ўша асар. 7-бет.

қалар. Бу вақтларда белгіда олам қиёфасини онг томонидан ижо-дий тұлдырилған хаёлий предметлар акс этади. Бундай предметлар ёлғон денотат (псевдоденотат)²⁸ дейилиши мүмкін.

Билишнинг диалектик назарияси инсон онгидан ташқарида, унга боғлиқ бўлмаган объектив олам ва бу объектив оламнинг инсон онгидаги акс этишини эътироф қилади. Инсоннинг объектив олам ҳақидаги билимлари табиий тил белгилари асосида шаклланади ва ифодаланади. Лингвистик белгининг объектив реаллик билан муносабати юзасидан тилшунослиқда икки хил йўналиш мавжуд: 1) бавосита ва 2) бевосита муносабат.

Биринчи йўналиш тарафдорлари инъикос принципига таянади. Лингвистик белги объектив реаллик билан бевосита эмас, балки онг орқали боғланади. Табиий тил белгисининг маъноси объектив оламдаги акс эттирилған фикрий «нарсалар»дир.

Диалектик фалсафанинг билиш назарияси асосида объектив оламнинг мавжудлиги ва унинг инсон онгидаги акс этишиётади²⁹.

Кўп ҳолларда маълум объектив фактга объектив оламда ҳақиқий предмет тарзида ҳам, хаёлий предмет тарзида ҳам корреляти бўлмаган объектив моментлар кўшилади: модаллик, предикативлик, эмоционал-экспрессив баҳо ва бошқалар. Натижада объектив факт мураккаб субъектив образнинг фақат бир қисмини ташкил қиласи. Бундай моментларнинг бўлиши сигнификатив маънони ҳам икки қисмга бўлишга олиб келади: 1) денотатга мувофиқ келадиган референт маъно (марказий маъно); 2) референт маъно устига кўшилган модификацион маъно (чегара маъно).

Аксарият лингвистик белгилар семантик структураси денотатив ва референционал сигнификатив маънолардан ёки денотатив, референционал сигнификатив ҳамда модификацион сигнификатив маънолардан ташкил топади. Бу белгилар ўзича нисбий мустақил кўллана оладиган автосемантик характеристерга эгадир. Айрим белгилар борки, улар фақат модификатив маънога эга бўлиб, нисбий мустақил кўллана олиш имкониятига эга эмас. Улар биринчи типдаги белгилар билан биргага кўлланилади. Синсемантик хусусиятга эга.

Шундай қилиб, денотатив ҳамда референционал сигнификатив маъно лингвистик белги семантик структурасининг асосини ташкил қиласи³⁰.

²⁸ Ломтев Т. П. Ўша асар. 17-бет

²⁹ Сусов И. П. Ўша асар. 7-бет.

³⁰ Сусов И. П. Ўша асар. 10-бет.

Маъно акс эттирмайди, фақат тушунча акс эттириш хусусиятига эга. Маъно эса товуш комплексининг предмет ёки ҳодиса билан инсон томонидан ўрнатилган шартли алоқасидир.

ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ БЕШ ТОМОНИ

Лингвистик белгининг юқоридаги уч хусусияти ва бу белгининг инсон томонидан яратилиши ва фойдаланиш хусусиятини эътиборга олиб, айрим муаллифлар уни тавсифлашнинг тўрт томонини тавсия этадилар³¹.

- 1) синтактик томон;
- 2) семантический томон;
- 3) сигматик томон;
- 4) прагматик томон.

Бунга лингвистик белгилар ўргасидаги уядошлик муносабатини ҳам қўшсак, унинг беш томони ҳақида фикр юритиш лозим бўлади. Лингвистик белгининг синтактик томони унинг бошқа белгилар билан синтагматик алоқага киришиш имкониятини белгилайди.

Ҳар қандай белги бошқа белгилар билан маълум муносабатда бўлади. Ана шундай муносабатлардан бири синтагматик муносабатdir. Масалан, *Қирлар қип-қизил лолалар билан қопланган гапида қопланган сўзи лолалар, қирлар сўзи билан, лола сўзи қип-қизил билан кетма-кет боғланган*.

Лингвистик белгилар ўргасидаги ана шундай муносабатни R₁(B, B₁) ишораси билан белгилаш мумкин. Бунда R муносабатни, B, B₁ ҳар қандай белгиларнинг синтагматик қаторини ифодалайди. Синтагматик қаторда ҳар бир белги бошқа белгининг ё олдидан, ёки орқасидан ўрин олиши мумкин. Лингвистик белгининг бундай қаторлари ҳар бир тилга хос маълум қоидалар асосида амалга оширилади.

Лингвистик белги бошқа белгилар билан фақат кетма-кет муносабатдагина эмас, балки уядошлик муносабатида, маълум бир жиҳатдан ўзаро боғланиш, бирини иккинчиси тақозо қилиш муносабатида ҳам бўлади. Масалан, *оқ сўзи қора сўзини тақозо қиласди*. Улар ўзаро қарама-қарши муносабат асосида боғланган. *Кулмоқ, жилмаймоқ, қаҳ-қаҳ отмоқ ўзаро белгининг даражаланиши муносабати асосида, от “ирғит” сўзи от “ҳайвон”, от “исм” сўзлари билан шаклдошлик муносабати асосида боғлан-*

³¹ Клаус Г. Сила слова. М., 1967. С.13.

ган. Бундай муносабат лингвистик белгининг парадигматик муносабатини ташкил қилади.

Лингвистик белгилар ўртасидаги бундай муносабатни R_2 (B_1 / B_2) ишораси билан бериш мумкин. Лингвистик белги ифодаловчи ва ифодаланмиш томонларнинг муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида бошқа белги билан синтагматик ва парадигматик муносабатга киришади. Шу билан бирга, унинг ифода томони билан маъно томони ўртасида ҳам барқарор муносабат мавжуд. Бу муносабат белги нимани ифодалашини ёки борлиқдаги нарса ва ҳодисалар, белги ва хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларнинг онгдаги умумлашган образларининг қандай номланишини ифолайди. Масалан, танадан шохланувчи кўп йиллик ўсимлик, ўзбек тилида *даражат* деб номланиши ёки дараҳт сўзининг “танадан шохланувчи кўп йиллик ўсимлик”ни билдириши, қандай номланиши белгининг ифода функцияси бўлса, номнинг нимани ифодалаши унинг маъно билдириш томони саналади. Бу муносабатни R_3 (B , A) ёки R_3 (A , B) ишоралари билан ифодалаш мумкин. Қавс ичидаги ишоралар белги ва у ифодалаган нарсанинг умумлашган образи, яъни тушунчани билдиради. Биринчиси билдириш томонини, белгининг сема-сиологик томонини, иккинчиси ифодалаш, ономасиологик томонини билдиради.

Лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабати унинг семантик ёки сигнификатив томони ҳисобланади.


Лингвистик белги маъно билдириш томони билан бирга, маънони ифодалаш, номлаш томонига ҳам эга. У маълум нарсани номлайди. Нарса ва унинг номи ўртасидаги муносабат лингвистик белгининг сигматик томонини ташкил этади. Лингвистик белгининг бу томонини R_4 (B , O) ишораси билан белгилаш мумкин. Бунда қавс ичидаги берилаётган ҳарфлардан биринчиси белгини, иккинчиси эса белгининг ифодаловчиси билдираётган объектив борлиқ узвларининг онгда умумлашган образи акс этган нарса, денотат тушунилади. Белгининг денотат билан бўлган муносабатини айрим муаллифлар сигматик муносабат, бу муносабатни ўрганувчи соҳани эса сигматика деб ҳисблайдилар³². Кўпчилик адабиётларда у денотатив маъно ҳисблланади.

³² К л а у с Г. Ўша асар. 16-бет.

Ниҳоят, белгилар инсон томонидан маълум бир ахборотни бошқаларга етказиш учун ишлатилади. Шунинг учун улар коммуникация воситаси саналади.

Сўзловчи белгилар орқали тингловчига маълум ахборотни етказиш билан бирга, унга эмоционал-экспрессив таъсир қилишни ҳам мақсад қилиб қўяди. Демак, белги мазмунида кўпинча сўзловчининг модал муносабати ҳам акс этади. Масалан, *емоқ* билан *ғажимоқ* сўзи ўртасидаги фарқ сўзловчининг эмоционал баҳоси мавжуд ёки мавжуд эмаслигидадир. Зидданишнинг биринчи аъзоси бундай белгига эга эмас, иккинчи аъзоси эса ана шундай белгига эга. Демак, *ғажимоқ* *емоқ* сўзи билан семантик ва сигматик ёки денотатив ва сигнификатив нуқтаи назаридан умумийликни ташкил қиласди. Улар баҳо муносабатининг бор-йўқлиги билан фарқланади. Лингвистик белги ифодалаган бундай муносабат прагматик муносабат, ана шундай муносабатни ўрганувчи соҳа прагматика ҳисобланади. Лингвистик белгининг прагматик томонини $R_s(B, M)$ ишораси орқали ифодалаш мумкин.

Лингвистик белгининг барча хусусиятларини жамлаган ҳолда, уни қўйидаги модел орқали ифодалаш мумкин бўлади.



Бунда В-белги; Н - белгининг ифодаловчи томони, ном; О - белгининг денотатив маъноси; А - белгининг сигнификатив маъноси; М белгининг прагматик маъноси.

ЛИНГВИСТИК БЕЛГИНИНГ МОДДИЙЛИГИ

Ҳар қандай лингвистик белги акустик хоссага эга. Унинг акустик хоссаси кишилар хотирасида сақланади ва нутқ жараёнида маълум чўзиқликдаги товуш тўлқини сифатида намоён бўлади. Унинг моддий мавжудлиги товуш тўлқинининг чўзиқлигига teng. Кишилар хотирасида мавжуд бўлган ўёки бу белгидан фойдаланиш жараёнида ҳар қайси белги сўзловчи томонидан ҳар сафар янгидан ҳосил қилинади. Сўзловчи хотирасида маълум белги акустик хоссаси ҳақида олдиндан маълумотнинг мавжудлиги ва сўзловчи уни талаффуз қилиш кўнникмасига эга бўлиши бу белгининг ҳар сафар ҳосил қилиш имкониятини яратади. Шунинг учун ҳам ҳар бир белги бир неча «нусха»да намоён бўлиш хусу-

сиятига эга. Тил белгисининг «кўп нусхалилиги» алоҳида «нусхалар»ни (конкрет белгиларни) шу белгининг вариантлари деб қарашга имкон беради. Бу белгининг умумлашган образи ҳар қайси варианtlарда, албатта, тақрорланадиган умумий хусусиятларни акс этирувчи инвариант сифатида гавдаланади³³. Лингвистик белги инвариантни идеал предмет, «ақлий нарса», моҳиятдир. У шу белгининг мавҳум шакли ҳисобланиши мумкин³⁴. Масалан, ўзбек тилида қ-а-л-а-м товуш қатори ёзиш қуроли тушунчasi ҳақида маълумот берувчи белгидир. Бу белги турли шахслар томонидан нутқ, темпи ва баландлиги, сўз-ловчи нутқ аппаратининг ўзига хослигига кўра турли шароитда талаффуз қилинганда, унинг товуш қиёфаси муайян чегарагача турли даражада ўзгаришга учрайди. Лекин сўзлашувчилар талаффузнинг ҳар қайси ҳолатида ҳам уларнинг бир белги эканлигини англайдилар. Бунинг сабаби сўзловчиларда шу белгининг умумлашган образи ҳақида олдиндан кўнкиманинг мавжуд бўлишидир.

Кўпчилик лингвистик адабиётларда мавҳум белги тил бирлиги, конкрет белгилар ёки мавҳум белгиларнинг «турли нусхалири», вариантлари нутқ бирлиги сифатида талқин қилинади. Мавҳум ва конкрет бирликлар ўргасида гавдалантириш ва намоён бўлиш муносабати борлиги айтилади. Конкрет бирликлар мавҳум бирликни намоён қиласи. Мавҳум бирликлар конкрет бирликларни гавдалантиради.

В.М.Солнцев лингвистик белгини мавҳум ва конкрет белгиларга ажратишга танқидий муносабатда бўлади. Униаг фикрича, мавҳум белги куруқдир. Чунки унинг ёрдамида алоқа қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам агар тил мавҳум бирликларни ўз ичига олади, деб ҳисобланса, у вақтда тилга алоқа воситаси сифатида қараб бўлмайди.

Нутқ алоқа жараёни саналади. Доимо тил воситалари ёрда—мида нутқни ҳосил қиласиз. Яъни гап ҳосил қилишда бизга маълум бўлган лексема, морфема, конструкция, қоидалардан фойдаланамиз. Шунинг учун ҳам нутқ ҳаракатдаги, амалдаги тилдир. Тил моҳият, нутқ ҳодисадир³⁵ дейиш мумкин. В.М.Солнцев тъкидлаганидек, тил ва нутқ. муносабати восита ва бу воситанинг

³³ С о л н ц е в В. М. Языковой знак и его свойства. // ВЯ. 1977, №2. С.16.

³⁴ С о л н ц е в В. М. Ўша асар. 16-бет.

³⁵ Ч е р е м и с и н а М.И. Сложное предложение как знак языка (об отдельных моделях сложного предложения). // Синтаксис алтайских и европейских языков. Новосибирск, 1981. С.3-4.

қўлланилиш муносабатидир. Шунинг учун ҳам алоқа жараёнида яратиладиган (талаффуз қилинадиган) конкрет-моддий белги реал алоқа воситаси саналиб, бир вақтнинг ўзида белгининг моддий системаси сифатидаги тилга ҳам тааллуқли бўлади.

Тил белгисида узлуксиз макон ва замонда мавжуд бўлиш хусусиятининг йўқлиги унинг «сақланиши»га қурайлик туғдиради. «Биз хотирамизда сезги аъзоларимиз билан сезадиган моддий белгининг ўзини эмас, балки бу белгининг умумлашган идеал образини ҳамда бу белгини зарур вақтда «ҳосил қилиш» кўникма ва малакасини сақлаймиз»,³⁶ -дейди В.Солнцев.

Бошқача айтганда, реал белгиларнинг ўзини эмас, унинг ма-вхум шаклини, у ҳақидаги билимимизни хотирада сақлаймиз³⁷.

ЛИНГВИСТИК БЕЛГИДА МОТИВАЦИЯ МАСАЛАСИ

Лингвистик белгида ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасидаги муносабат тилшуносликнинг энг қадимги муаммоларидан бири-дир. Илмий лингвистик таълимотнинг ilk давридаёқ, бу масала энг қизғин баҳсларга сабабчи бўлди. Антик давр олимлари ифодаловчи ва ифодаланмиш ўртасида табиий борлиқликнинг бор-лиги ёки йўқлиги масаласида икки гуруҳга (реалистлар ва номи-налистлар) бўлиндилар. Уларнинг биринчиси - (Гераклит ва бошқ.) ҳар қандай ном ўзи ифодалаган предмет билан табиий боғланган десалар, иккинчиси (Демокрит ва бошқ.) уни рад эта-дилар ва ном билан у ифодалаган предмет ўртасида шартли му-носабат мавжуд эканлигини баён қиласидар.

Ҳар икки ўналишни келиштиришга ҳаракат қилган Плотон реалистлар фикрини тасдиқламоқ учун сўз маъноси билан шакли ўртасидаги мувофиқликни ва сўз шаклини у ифодалаган пред-мет билан боғланганлигини мисоллар орқали кўрсатмоқчи бўла-ди. Унинг фикрича, Р ҳар қандай ҳаракат воситасидек тасаввур қилинади. Шу туфайли дастлаб ном қўювчилар учун ҳаракат, узи-лиш ҳодисасини ифодалашда Р товуши ажойиб восита бўлиб кўринди ва шу мақсадда бу товушдан бир неча марта фойдалан-дилар: *райн* «оқмоқ» (дарё), *эрайкайн* «узиш», *сrintайн* «ков-лаш», *эройайн* “бўлиш”, *серматидзайн* «майдалаш» ва бошқалар.

³⁶ Солнцев В.М. Ўша асар. 17-бет.

³⁷ К ла у с Г. Сила слова. М., 1967. С.14.

Шунингдек, и товуши нозикликни, а товуши катталиктини ифодалаш учун хосланганини таъкидлайди³⁸.

Худди шундай фикр М.В.Ломоносов томонидан ҳам баён қилинади: е, и, ю майнинлик, эркалашни, кичикликни; я майнинлик, ёқимлиликни; о, у қўрқинчли ва кучли нарсаларни (қаҳр, Қўрқинч, фам) ифодалаш учун хосланганини курсатади³⁹.

Лингвистик белгининг ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабатига бундай қарааш кейинги даврларда ҳам ривожлантирилди. Хусусан, Лейбниц, Гумбольдт, Э.Бенвенист, Р.Якобсон асарларида белги ва предмет ўргасида мотивациянинг борлиги зътироф этилади. Э.Бенвенист ифодаловчи ва ифодаланмиш ўргасидаги муносабат эркин эмас, аксинча, зарурийдир, дейди. «Ҳўқиз» тушунчаси менинг онгимда албатта **боғ** товуш комплекси (ифодаланмиш) билан тенглаштирилади. Ҳар иккиси яхлит ҳолда менинг онгимда ўрнашган⁴⁰. Дарҳақиқат, бир қатор сўзларнинг товуш қобиги дунё гилларида бир-бирига ўхшайди. Масалан, ўзб. *какку*, рус. *кукушка*, ўзбекча *кукулайди*, русча *кукует*, русча *река*, юононча *рейн*.

Ифодаловчи ва ифодаланмиш ўргасида мотивациянинг борлиги ёки йўқлиги масаласи бугунги кунимизгача турли баҳсларга сабаб бўлмоқда.

Ҳозирги кунда ифодаловчи ва ифодаланмиш ўргасида мотивациянинг борлигини психолингвистлар изчилилк билан тарғиб қилмоқдалар. Тилшуносликда бу фояни олға сурувчи алоҳида назария товуш символизми назарияси вужудга келди.

Файласуф Е.Я.Басин лингвистик белгининг эркинлиги ҳақидағи фикр метафизик фикр эканлигини баён қиласи ва бундан кутулишининг йўлинни товуш символизми таълимотида кўради⁴¹.

Л.О.Резников белгининг асосан эркинлигини тан олган ҳолда, дастлабки даврда мотивланган ҳолатларнинг бўлиши мумкинлигини инкор этмайди⁴².

А.Г.Спиркин ҳам лингвистик белгига нисбатан шунга ўхшаш фикр ифодалайди. Унинг таъкидлашича, ҳозирги вақтда у ёки бу предмет нима учун бошқача эмас, балки худди шундай ном би-

³⁸ Плотон. Соч. в 3-х т., Т. 1., М., 1978. С. 471-473.

³⁹ Ломоносов М. Ю. Краткое руководство к красноречию. // Пол. собр. соч. Т.7. М.-Л., 1952. С.241.

⁴⁰ Бенвенист Э. Общая лингвистика. М., 1074. С. 2.

⁴¹ Басин Е. Я. Семантическая философия искусства (критический анализ). М., 1973. С. 28.

⁴² Резник Л. О. Гносеологические вопросы семантики. Л., 1964. С.100-101.

лан аталган деган масалани күтаришдан ҳеч қандай маъно йўқ. Шу билан бирга, этимологик таҳлил предмет номи мотивланиш характерига эга эканлигидан гувоҳлик бермоқда⁴³.

Л.О.Резниковнинг фикрига кўра, белгилар шаклланишининг дастлабки даврида шакл ва мазмун мувофиқлиги бўлган. Кейинчалик тарихий тараққиёт жараёнида белги учун маълум маъно қатъйлашиши натижасида ифодаланмиш билан ўжашлик дарражаси тобора схематик, символик характер касб эта бошлаган⁴⁴.

А.П.Журавлев бу фикр билан келишиш мумкинлигини таъкидлайди. Чунки Д.Вестерман, Б.В.Журковский, А.М.Газизов-Гинзбергларнинг кузатишига қараганда, дарҳақиқат, тараққиётнинг, дастлабки босқичидаги тиллардан олинган материаллар уларда ифодаловчи ва ифодаланмиш алоқаси мавжудлигидан гувоҳлик беради⁴⁵.

Адабиётларда барча белгилар сингари лингвистик белгида бир неча мотивация борлиги кўрсатилади. Хусусан, С.Ульманн уч хил мотивация типини ажратади: семантик, морфологик ва фонетик⁴⁶. Қалбаға йўл очиш, гапнинг тузи сингари бирикмалардаги йўл, туз сўзларида семантик мотивация; қукушка, хрюкать, свист, шелест, шорох, шепот, рев, крик, гул, журчание, треск, гром, барабан, лира каби сўзларда фонетик мотивация; янги маъно морфема маънолари асосида ҳосил бўлган *стенгазета, переход* каби сўзларда морфологик мотивация борлиги кўрсатилади.

Шу билан бир қаторда, айрим сўзларнинг ҳосил бўлишига асос бўлган образ маркази мавжуд. Предметларнинг турли белгиларидан биттаси ном учун асос бўлади. Асос бўлган белги Потебня термини билан айтганда, образ маркази бўлади. Лекин турли тилларда ном турли образ марказига асосланиши мумкин. Масалан, рус тилида *медведь «айик»* сўзи учун шу ном ифодалаган предметнинг асал ейиш хусусияти асос бўлган. Лекин ўзбек тилидаги айикнинг ана

⁴³ С п и р к и н А. Г. Происхождение языка и его роль в фор—мировании мышления. // Мысление и язык. М., 1957. С.27.

⁴⁴ Р е з н и к о в Л. О. Ўша асар. 101-бет.

⁴⁵ Қаранг. Вестерман Д. Звук, тон и значения в западно-африканских, суданских языках. // Африканское языкознание. М., 1953; Ж у р к о в с к и й Б.В. Идеофоны: сопоставительный анализ на материале некоторых языков Африки и Евразии. М., 1968; Г а з и з о в - Г и н з б е р г А.М. Был-ли язык изо—бразителен в своих истоках? М., 1965.

⁴⁶ У ль м а н и С. Семантические универсалы. // Новое в линг—вистике. Вып.5. М., 1971. С.254-258.


шундай образ марказини белгилаб бўлмайди. Кўпгина номларнинг образ марказини топиб бўлмайди. Образ маркази кўпинча третиум компаратим (Потебня) асосида ҳосил бўлган иккиламчи номларга хосдир. Шунинг учун ҳам белгининг эркинлиги ва конвенционаллиги ҳақидаги тезис янги даврда В.Д. Уитни томонидан олға сурриди ва Ф. де Соссюр томонидан ривожлантирилди.

Лингвистик белгининг эркинлиги Соссюр лингвистик тълимотининг асосий принципидан биридир. 1916 йилда «Курс» босилиб чиқиши натижасида бу асарда олға ташланган ифодаловчи ва ифодаланмиш ўргасида ички мотивациянинг йўқлиги ғояси кўпчилик тилшуносларнинг лингвистик белги табиати ҳақидаги қарашларини белгилаб берди.

П.В. Гамкрелидзе тилшуносликдаги лингвистик белгининг мотивланган ёки мотивланмаганлиги тўғрисидаги баҳслар белги - структур элементлари муносабатига турлича ёндашиш билан боғлик, эканлигини таъкидлайди⁴⁷.

У ҳозирги замон белгилар системаси назариясининг система ни уч сатҳда семантик, синтактик ва прагматик аспектда ўрганиш ҳақидаги принциплари тил системасига ҳам, тил белгисига ҳам алоқадор эканлигини кўрсатади. Системани семантик ва синтактик аспектда ўрганиш прагматик аспектда ўрганиш натижасига мувофиқ келмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам тил белгиси бошқа ҳар қандай семантик белги сингари фақат ифодаловчи ва ифодаланмиш муносабати асосидагина эмас, балки маълум белгини системадаги бошқа белги билан (ифодаловчи сатҳида ҳам, ифодаланмиш сатҳида ҳам) муносабати орқали аниқланиши лозимлигини баён қиласди. Бошқача айтганда, семиотик система белгисини аниқлашда белги иштирокчиларнинг (ифодаловчи ва ифодаланмиш) «вертикал» муносабати ҳамда «горизонтал» муносабати (ифодаловчилар ўргасидаги ҳамда ифодаланмишлар ўргасидаги муносабатлар) эътиборга олиниши лозим бўлади. «Горизонтал» муносабат «вертикал» муносабатдан фарқли равишда икки планли хусусиятга эга. Чунки у лингвистик белги иштирокчила-рининг икки томони ўргасидаги ифодаловчилар ўргасидаги ва ифодаланмишлар ўргасидаги муносабатларни тақозо этади. Муаллиф «горизонтал» муносабатдаги икки планлиликни қуидаги схема орқали акс эттиради:

⁴⁷ Гамкрелидзе Т. В. К проблеме «произвольности» языко-вого знака. // ВЯ. 1972. № 6. С.35.



Т. В. Гамкрелидзенинг фикрича, лингвистик белги юқоридаги икки хил муносабат орқали аниқланадиган моҳиятдир. Шунинг учун унга ҳар икки муносабатни ҳисобга олмасдан, фақат юқоридаги муносабатлардан бири орқали берилган характеристика доимо бир ёқдама бўлиб қолади⁴⁸. Ф. де Соссюрнинг лингвистик белгидаги мотивация муносабати йўқ, деган фикри лингвистик белгининг фақат вертикал муносабатига асосланган. Вертикал муносабатда мотивация бўлмаса, горизонтал муносабатда бўлиши мумкин. Масалан, *девять, десять, фатер, матер, братер* ўртасидаги фонетик ўхшашлик горизонтал муносабатда мотивация борлигини кўрсатади⁴⁹.

БЕЛГИ ВА ТИЛ БИРЛИКЛАРИ

Тил белгилар системаси бўлиши билан биргаликда, айни пайдада унда белгилар системасига хос бўлмаган хусусиятлар ҳам бор⁵⁰. Демак, тил белгиси юзасидан гапирилганда, энг аввало, тилнинг қайси бирликлари назарда тутилаётганлиги ҳақида тўхталишга тўғри келади.

Қайси тил бирликларини белги деб ҳисоблаш мум-кин? Тил бирлиги термини қайси лингвистик тушунчаларни ўз ичига олади? Бу саволларга ҳам тилшунослар турлича жавоб берадилар. Шунинг учун ҳам, аввало, тил бирликлари масаласига тўхталайлик.

ТИЛ ВА НУТҚ

Тилшуносликда тил ва нутқ ўзаро фарқлангандан буён уларнинг бирликлари ҳам бир-бири билан ўзаро доимо алоқада бўлган алоҳида-алоҳида бирликлар сифатида ажратиладиган бўлди.

Н.А.Слюсарева таъкидлаганидек, Ф. де Соссюр таълимотининг моҳияти, энг қисқа шаклда ифодалаганда, бу тил (*langue*)

⁴⁸ Гамкрелидзе Т. В. Ўша асар. 36-бет.

⁴⁹ Гамкрелидзе Т. В. Ўша асар. 38-бет.

⁵⁰ Савченко А.Н. Ўша асар. 22-бет.

ва нутқ (porole) фарқланишидир. Унинг бошқа барча назариялари мантиқан шу асосий тезисдан келиб чиқади⁵¹.

В.Я.Звегинцев Ф. де Соссюрнинг тил-нутқ қарама-қаршилиги асосида бу ҳодисаларнинг қуидаги фарқли белгиларини кўрсатади⁵².

1. Нутқ индивидуал, тил умумий ҳодисадир. Умумхалқ тили доимо ва албатта алоҳида нутқий кўнилмаларида тил системаси чегарасида маълум ўзгаришга учрайди.

2. Нутқ психик ҳодиса, тил социалдир.

3. Нутқ ҳаракатчан динамик, тил эса стабилликка, статикликка интилади.

4. Нутқ тарихий, тил ахроник хусусиятга эга.

5. Нутқий элементлар ўргасида сабабий тобелилик, тил элементлари ўргасида функционал тобелилик мавжуд.

6. Тил лингвистик қонуниятларга бўйсунади. У лингвистик «репуляр», нутқ эса лингвистик норегуляр, спородик характерга эга.

7. Нутқ доимо моддийликка хос. У ўзининг функциясини реал моддий сифатга эга бўлган бирликлар сифатида бажара олади. Тил абстракт система сифатида мавжуд. Бундай фарқланиш субстанция ва форма ўргасидаги фарқланиш кабидир.

Н.А.Слюсарева шу кунга қадар тил ва нутқ қарама-қаршилиги бағишлиланган ишларни умумлаштирган ҳолда, тил ва нутқни қутбий зиддият (бинар оппозиция) асосида уч хил йўл билан аниқлаш мумкин эканлигини кўрсатади: 1) билиш назарияси нуқтаи назаридан гносеологик аниқлаш; 2) тил ва нутқнинг предметлик хусусияти нуқтаи назаридан онтологик аниқлаш; 3) кўлланиш доираси ва фойдаланиш тарзи нуқтаи назаридан - прагматик аниқлаш. Бу уч хил йўл бир-бирини тўлдиради.

Гносеологик жиҳатдан тил ва нутқ қуидаги белгилар асосида фарқланади: 1) умумийлик-хусусийлик; 2) абстрактлик-конкретлик; 3) муҳим-номуҳимлик; 4) моҳият-ҳодиса; 5) зарурыйлик-тасодифлик; 6) сифат-миқдор.

Онтологик жиҳатдан етти белги асосида фарқланиши ва ҳар қайси белги ўз ичida майда белгиларга бўлиниши мумкин; 1) психик-физик-физиологик); виртуал-актуал; имконият-акт ва бошқалар; 2) система-текст; система-функция; парадигматика-синггамтика; 3) бир хиллик-ҳар хиллик; 4) инвариантлилик-вари-

⁵¹ Слюсарева Н.А., Теория Ф. де Соссюра в свете современной лингвистики. М., 1975. С. 9.

⁵² Звегинцев В. Я. Теоритическая и прикладная лингвистика. М., 1968. С.105-106.


антлилиқ; ўзгармаслик-ўзгарувчанлик; барқарорлық-дақықалық ва бошқ.; 5) бутун-қысм; 6) жараён-квант жараён; 7) онг-тафаккур.

Прагматик жиҳатдан күйидаги уч белги асосида фаркландади:

1) социал-индивидуал; алоқа воситаси-алоқа жараёни; воситалар системаси бу воситаларга амалий әгалик қилиш; автоматизм-эркинлик;

2) узуал-аккозионал;

3) код-хабар⁵³.



⁵³ С лю сарев Н. А. Ўша асар. 16-25-бетлар.

Тилшуносликда лингвистик бирликлар тил ва нутқ оппозициясига кўра икки хил - «эмик» (тил сатҳига мансуб) ва «этик» (нутқий) бирликларга бўлинади. Бу бирликларнинг ўзаро муносабатини Ю.С.Степанов қўйидагича кўрсатади⁵⁴.

Тилшунослик тарихида тил ва нутқ ўзаро фарқланиши билан тилнинг турли сатҳарида бу зидланишнинг намоён бўлишини тадқиқ этишга эътибор кучайди ва бунинг натижасида тил ва нутқ бирликларини ажратиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Структур тилшунослик вакиллари Ф.де Соссюр изидан бориб нутқий фаолиятда тил ва нутқ синтезини кўрадилар⁵⁵.

Тил атамаси остида автоматлаштирилган белгилар ва тил эгаларининг улардан фойдаланиш қоидаси, нутқ атамаси остида эса индивидлар нутқида унинг реал қўлланилиши тушунилади⁵⁶.

Аввало, тил атамаси икки маънода қўлланилади: 1) кишилар ўргасидаги энг муҳим алоқа воситаси. Бунда тил бир бутун ижтимоий ҳодиса сифатида тушунилади; 2) ижтимоий ҳодисанинг нутқида зид қўйиладиган ҳолати. Ф.де Соссюрнинг фикрича, тил бу нутқий фаолият минус нутқдир⁵⁷. Профессор Ш.Рахматуллаев фикрича, тил деганда бутунни ҳам (нутқни қамраб олган ҳолати), қисмни ҳам (нутқни қамраб олмаган ҳолати) тушуниш мумкин⁵⁸.

Тил бирликлари деганда нутқида зид қўйилган тилнинг бирликлари тушунилади. Система таркибида функционал қимматга эга бўлган элементлар тил бирликлари саналади⁵⁹.

Тил бирликлари тушунчалик билан бирга лингвистик бирлик деган тушунча ҳам мавжуд⁶⁰. Бу тушунча тил бирликларини ҳам, нутқ бирликларини ҳам қамраб олади. Тилнинг системавийлик табиати шундаки, у саноқли фигуralар, яъни бирликларнинг турли комбинациялари орқали чексиз аҳборотларни узатиш имкониятига эга. Шунинг учун тил бирликларининг миқдори Чегараланган, бармоқ билан санаарлидир. Имконият тарзидаги бу саноқли бирликлар нутқий жараёнда хилма-хил шаклда воқеланади. Тил бирликларининг нутқий жараёндаги реал кўринишлари нутқ бирликлари саналади.

⁵⁴ Степанов Ю.С. Метод и принцип современной лингвистики. М., 1975. С.279.

⁵⁵ Михайлов Ф. Структурализм и синтагматическая теория // ВЯ, 1957. №1. С.28.

⁵⁶ Соссюр Ф.де. Курс общей лингвистики. М., 1933. С. 86.

⁵⁷ Соссюр Ф.де. Ўша асар. Ўша бет.

⁵⁸ Рахматуллаев Ш. Тил курилишининг асосий бирликлари. Тошкент: "Университет", 2002. 3-бет.

⁵⁹ Дегтарёв В.И. Основы общей грамматики. Ростов ГУ, 1973. С. 6.

⁶⁰ Дегтарёв В.И. Ўша асар. Ўша бет.

Дескриптив тилшунослик вакиллари фақат уч тил бирлиги мавжудлигини эътироф этадилар: *фонема, морфема, конструкция*. Морфемадан юқори бирликларнинг барчаси конструкция ҳисобланади.

А.А.Реформатский тил тузилишининг элементлари сифатида тўртта бирликни эътироф этади: 1) нутқ товуши (фонема), 2) сўз ўзаги (морфема), 3) сўз, 4) гап.

Унинг фикрича, *фонема* тилнинг моддий белгиси саналади. Тилнинг товуш белгиси (шунингдек, график белги)нинг икки вазифаси мавжудлиги таъкидланади: 1) перцептив, яъни англаш обьекти бўлиш вазифаси; 2) сигнификатив, яъни маъноли бирликларни (морфема, сўз, гап) фарқлаш вазифаси.

Морфема ўзак ва ўзак бўлмаган турларга ажратилади ва унинг маъно ифодалаши, лекин номламаслиги баён қилинади. Масалан, *красный, краснота* сўзларидаги *красн* муайян ранг тушунчасини билдиради, лекин номлаш вазифасига фақат бу морфеманинг *краснота, красный, краснеть* каби сўзга айланган ҳолатигина эга бўлади.

Сўз морфемадан фарқли равишда борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни номлаши, номинатив функция бажариши таъкидланади. Гап эса маълум ахборот ифодалаши, коммуникатив функция бажариши билан сўздан фарқ қиласи.

Юқорида кўрсатилган ҳар бир бирликни куйидаги ишоралар билан белгилайди: (i), i., ī, ī⁶¹. Бунда фонемани (i)- орқали, шу товушнинг ўзи билан ифодаланган сўз ўзагини (морфемани) i. Орқали, сўзни i орқали, гапни I орқали ёзib кўрсатади.

Унинг фикрича, тилда булардан бошқа ҳеч нарса йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

А.И.Смирницкий тил бирлиги деганда товуш қобиғига эга бўлувчи ва маълум маънони ифодаловчи ҳамда бу товуш қобиғи ва маъно ўртасидаги муносабат тил хотирасида сақланувчи ҳамда нутққа тайёр ҳолда олиб кирилувчи бирликларни тушунади. Бундай бирликлар сифатида “тилнинг лексик бирликлари” номи билан сўзни (“отдельное слово”) ва бундай сўз таркибиғига кирувчи морфемаларни белгилайди⁶². Шунинг учун у фонемаларни маънони билдирамай, маъноли бирликларнинг моддий қобиғи

⁶¹ Р е ф о р м а т с к и й А. А. Введение в языкознание. М., 1960. С.23-24.

⁶² С м и р и ц к и й А.И. Лексикология английского языка. М., 1956. С. 14; *Бу ҳақида қаране: Раҳматуллаев Ш.* Тил курилишининг асосий бирликлари. Тошкент, “Университет”, 2002. 6-бет.

бўлиб хизмат қилиши туфайли тил бирликлари қаторига киритмайди. Уларни тилнинг қурилиш бирликлари деб ҳисоблайди. Натижада лингвистик бирликларни уч гурухга бўлади: 1) тилнинг қурилиш бирликлари: фонема; 2) тил бирликлари: а) сўз, б) айрим морфемалар, в) тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлган фразеологик бирликларни ва таркибли терминларни ҳам тил бирликлари қаторига киритиш лозимлигини кўрсатади; г) формуласалар; д) тил бирликлари бўла олмайдиган ҳодисалар: сўзларнинг эркин бирикмалари (шу жумладан, гап).

Айрим муаллифлар тил бирликларини функционал нуқтаи назардан уч турга номинатив, коммуникатив ва қурилиш бирликларига ажратадилар⁶³. Номинатив бирлик деб сўзни, коммуникатив бирлик деб гапни, қурилиш бирлиги деб фонема, морфема, сўз шакллари ва бирикма шаклларини тушунадилар.

Сўнгти даврларда тилшуносликнинг бу долзарб муаммоси юзасидан ўзбек тилшунослигига ҳам баҳс-мунозараларнинг қизиб бораётгани эътиборга молик.

Тил бирликлари таснифига бағишланган ишлар Ш. Раҳматуллаев асарида батафсил таҳлил этилганлиги туфайли, уларни бу ўринда такрорлаб ўтиришни ортиқча деб ҳисоблаймиз. Бу ўринда бизнинг дикқатимизни жалб қиласидиган томон морфема, лексема, сўз ва конструкция атамалари остидаги тушунчалардир.

Асосий тил бирлиги сифатида морфема деярли барча тилшунослар томонидан эътироф этилади. Лексема ва сўз айрим муаллифлар асарларида тил бирлиги деб кўрсатилади. Конструкция атамаси остида морфемадан кейинги лингвистик бирликларни ҳосил қилиш қоидалари, тузиш моделлари тушунилади. Ш. Раҳматуллаев ҳам тил бирликларини тўрт гурухга бўлар экан, уларни қўйидагича номлайди: 1) тил бирликларининг қурилиш бирликлари (тил товуши, фонема, аллофонема); 2) асосий тил бирликлари (лексема, аллолексема, морфема, алломорфема); 3) гузма (иккиласмчи) тил бирликлари (лексемашакл, бирикмашакл, гапшакл); 4) йирик тил бирлиги (фразема, аллофразема).

Айниқса, академик А.Хожиевнинг “Ўзбек тили ва адабиёти “журнали орқали эълон қилган ўн иккита мақоласи илмий жамоатчилик дикқатини бу муаммога жалб этгани катта воқеа бўлди”⁶⁴.

Юқоридаги мақолаларда тил бирликлари билан боғлиқ бўлган қатор муаммолар ҳақида баҳс юритилади. Ана шулардан бири мор-

⁶³ Кодухов В. И. Ведение в языкознание. М., 1979. С.105.

фема билан лексема масаласидир. Муаллиф шу кунгача тил бирликлари таснифига бағищланаган ишларнинг кўпиди морфема билан лексема фарқланмаётгани лексема ҳам морфемалар қаторига киритилаётганидан афсусланади ва лексема морфема эмаслигини, уларни морфема деб атаб бўлмаслигини айтади. Дарҳақиқат, фақат ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки дунёнинг йирик тилшунослари асарларида бундай ҳолат мавжуд ва унинг чукур илдизлари бор.

Хусусан, Бодуэн де Куртене томонидан морфема назариясига асос солиниши, уни тилнинг марказий бирлиги сифатида эътироф этилиши тилшунослар диққатини шу давргача тил тузилишининг таянчи ҳисобланиб келган сўздан морфема томон жалб этди. Морфема тилшуносликнинг марказига айланди. Морфемадан кичик бирликлар унинг қисми сифатида, катта бирликлар эса морфемалар синтагматикаси натижаси сифатида қараладиган бўлди.

Бодуэн томонидан морфемага “тилнинг бошқа майдада морфологик бўлакка бўлинмайдиган энг кичик морфологик бирлиги “сифатида берган таърифи барча энг кичик маъноли бирликларни, жумладан туб лексемалар, кўшимчалар, ёрдамчилар ва ҳатто суперсегмент воситалар (урғу, тон)⁶⁵ ни ҳам морфема қаторига киритишга асос бўлиб хизмат қилди.

Хусусан, Блумфильд морфеманинг асосий белгиси “минималлик” (“кичилик”) эканлигини эътиборга олиб, туб сўзларни ҳам, ёрдамчи сўзларни ҳам, сўзнинг қисмларини ҳам морфема деб ҳисоблайди. Г.Глисон ҳам барча туб сўзларни морфемалар қаторига киритади. Бундай қараш сўзни тил бирликлари сирасидан чиқаришга олиб келди. Айниқса, сўзнинг мураккаб хусусиятга эгалиги, унга аниқ таъриф бериб бўлмаслиги ҳақидаги Ф.де Соссюр фикри бунга асос бўлиб хизмат қилди.

Энг кичик маъноли бирлик морфема эканлиги ҳақидаги фикр узоқ даврларгача тилшуносликда устуворлик қилди ва морфеманинг асосий белгилари сифатида “бошқа маъноли бўлакка бўлинмаслик”, “маънолилик”, “энг кичиклик” белгилари эътироф этилди.

Фақат В.Скаличка Бодуэннинг морфемага “майдада бўлакка бўлинмаслик” белгисига асосланиб берган таърифига танқидий ёндашади ва унда шакл ва мазмун муносабати эътиборга олинмаганлигини баён қиласиди. Морфеманинг мазмун томондан кичик элемент-

⁶⁴ Х о ж и е в А. Тил курилишининг асосий бирликлари ҳақида. (“Луғавий ва грамматик млрфема” ҳақида). Ўзбек тили ва адабиёти -2004, 3-сон. 30-бет.

⁶⁵ С т е п а н о в Ю. С. Основы языкоznания. С.39.

ларга бўлиниши ва бу элементлар сема ҳисобланишини таъкидлайди⁶⁶. Бундан илҳомланган В.М.Солнцев морфеманинг икки томонлама моҳиятлигини, у ифода томондан сонема, мазмун томондан семемалардан ташкил топган бутунлик эканлигини айтади⁶⁷.

Шундай қилиб, морфемага гилнинг энг кичик маъноли бирлиги сифатида қараш туб лексемаларни ҳам, аффиксларни ҳам, ёрдамчи сўзларни ҳам, ҳатто ундов, модал, тақлид сўзларни ҳам морфемалар таркибида ўрганишга олиб келди.

Фақат А.Мартине *нон*-, *ёқ*-, *ён*- сингари морфемалар билан *ни*, *-(и) м*, *-чи* каби морфемалар ўртасидаги фарқни эътиборга олган ҳолда, **морфема** атамаси остида тушуниладиган объектини горайтиришни, уни фақат қўшимчаларни ифодалаш учун, лексика соҳасига даҳлдор бўлган монемаларни (морфема ўрнида монема атамасини қўллайди) ифодалаш учун, **лексема** атамасини қўллашни тавсия этди⁶⁸.

Натижада айрим адабиётларда лексик маъно ифодалаш учун хизмат қилувчи энг кичик маъноли қисмга лексема, грамматик маъно ифодалаш учун хизмат қиласидаги ва ясама лексемаларни ҳосил қилиш учун ишлатиладиган энг кичик маъноли бирликлар учун эса **морфема** атамаси қўлланиладиган бўлди. Шу билан биргаликда, морфемани кенг маънода барча энг кичик маъноли бирликлар учун қўллаш ҳам давом этмоқда. Шунинг учун морфемалар лексик ва грамматик морфемаларга ҳамда ҳар икки турга ҳам кирмайдиган, лекин бу икки турнинг хусусиятларини маълум даражада ўзида мужассам этган оралиқ морфемаларга бўлиш лингвистик адабиётларда тасодифий ҳодиса эмас.

Академик А.Хожиев ўз мақоласида кўмакчи морфемаларни эркин, боғлиқ ва нисбий боғлиқ морфемаларга тасниф этиш морфемалар моҳиятини ёритишида ҳеч қандай аҳамият касб этмаслигини ёзади.

Тил системалар системаси ёки гетероген системадир. Тил системасининг гетерогенлиги шундаки, у гомоген бирликлар муносабатидан ташкил топган бир неча кичик бирликларни ўз ичida бирлаштиради. Гетерогенлик хусусияти унинг “кўпқаватлилиги”ни белгилайди. Гетероген системалар гомоген элементлар муносабатидан ташкил топган кичик системаларга бўлинади⁶⁹.

⁶⁶ Бу ҳақда қаранг. Лешка О. К вопросу о структурализме. // ВЯ. -1953. №5. С.99.

⁶⁷ Солинце в В. М. Язык как системно структурное обозрение. – С. 231. –

⁶⁸ Мартине А. Основы общей лингвистики. // Новое в зарубежной лингвистике. Вып.III. 1963. С.369.

⁶⁹ Кодухов В.И. Общее языкознание. М., 1974. С.136

Гомогенлик ва гетерогенлик муносабати Кант фалсафасининг асоси саналади⁷⁰.

Морфемалар ҳам гетероген система сифатида лексик, грамматик ва оралиқ морфемаларни ўз ичига олиши билан биргаликда, морфем система таркибидаги юқоридаги ҳар бир гурухнинг ўзи, ўз навбатида, яна кичик системаларга бўлниши учун асос бўлади. Хусусан, грамматик ёки кўмакчи морфемалар синфига кирган морфемалар “кўмакчилик” белгиси асосида бир бутуни, яъни системани ташкил қилиш билан бирга, айни пайтда улар маълум дифференциал белгиларига кўра яна кичик гурухларга, синфларга бўлинади. Масалан, келишик қўшимчалари билан кўмакчилар ўргасидаги фарқловчи белги нима? Табиийки, улар ўргасидаги фарқловчи белги аналитиклик ва синтетикликдир. Шу асосда эркин ва боғлиқ морфемалар ажратилади.

Кўринадики, фонема, морфемаларнинг тил бирлиги эканлиги деярли барча тилшунослар томонидан эътироф этилади. Лексема морфема(монема)нинг бир тури аташ маъносига эга бўлган тури сифатида тан олиниши муносабати билан унинг икки томони алоҳида-алоҳида атама билан фарқланадиган бўлди. Шакл томони учун номема, мазмун томони учун семема. Демак, лексема номема ва семемаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган бутунлик саналади.

Лексеманинг мазмуний томони, яъни семема ҳам бир неча семаларнинг ўзаро муносабатидан ташкил топган нисбий бутунлик ҳисобланади. Семема семалари вазифасига кўра бирлаштирувчи ва фарқловчи семаларга бўлинади.

Лексема яхлит ҳолда бошқа лексемалар билан гипо-гиперонимик муносабатни ташкил этгани каби, мазмуний томони ҳам ана шундай муносабатдаги семалар қаватланишидан ташкил топади. Биринчи қаватда фарқловчи сема вазифасини бажарган сема кейинги қаватдаги бўлиниш учун бирлаштирувчи сема вазифасини бажаради. Бу В.Гумбольдинг “Тилда ҳеч қандай алоҳида нарсалар йўқ, ҳар бир алоҳида фақат бутуннинг қисмини намоён қиласи холос”, деган фикрининг нақадар тўғри эканлигини тасдиқлайди. Бу ҳар қандай умумий алоҳидада, алоҳида орқали мавжуд бўлади. Ҳар қандай алоҳида маълум даражада умумий, ҳар қандай умумий барча алоҳида предметларни тахминан қамраб олади. Ҳар қандай алоҳида умумийликка тўлиқ бўлмаган ҳолда

⁷⁰Философский словарь. М., 1980. С.75

киради, деган хulosага олиб келувчи умумийлик хусусийлик диалектикасини ўзида намоён қилади.

Лексема маъносини юқоридаги каби методологик тамойил асосида тадқиқ этиш бутунги кунда фоят долзарб бўлиб қолмоқда. Чunksи айрим тадқиқотларда лексемалардаги ана шундай диалектик муносабатнинг мавжудигини инкор қилиш ҳолатлари, “лексемада бундай диалектиканинг ўзи йўқ” деган фикрлар баён қилинмоқда.

У.Чейф ҳам лингвистик бирликлар мазмуний жиҳатдан иерархик тобелилик муносабатида бўлишини таъкидлаган эди. Унинг фикрича, барча умумий қўшилма бирликлар отлар, феъллар, иерархия чўққиси саналади. Қўшилиш ҳажмига кўра уларнинг ҳар бири оралиқ ҳолатни эгаллаган семантик гурухларга бўлинади. Масалан, феъллар ҳаракат, ҳолат, жараён феълларига ажralади. Хусусан, *куйламоқ*, *кулмоқ* ҳолат феъллари деб номланувчи лексемалар гурухининг вакиллари саналади⁷¹.

А.Новиков фикрича, ҳар бир сўз (лексема) умумлаштиради. Натижада у конкрет нарса ва ҳодисалар, белги-хусусиятлар, ҳаракат-ҳолатларнинг ҳам, умумлашган образларнинг ҳам номи ўрнида кела олади⁷². Бу эса умумийлик-хусусийлик диалектик алоқасининг тилда намоён бўлишини кўрсатади.

Лексемадан кейинги бирлик сўздир. Лекин у айрим муаллифлар гомонидан тил бирлиги сифатида эътироф этилмайди. Сўзнинг асосий тил бирлиги эканлигини инкор этувчилар Ф.де Соссюрнинг : “Тилнинг конкрет бирликларини сўздан қидирмаслик керак”, - деган фикрига асосланадилар. Сўзни тил бирлиги сифатида инкор этиш, асосий тил бирлиги сифатида **морфемага** эътиборни қаратиш айниқса дескриптив лингвистика вакиллари асарларида кучайди.

Морфема грамматик сатҳнинг минимал бирлиги сифатида қаралиши билан бирга, бу бирлик лексик сатҳга ҳам кўчирилади. Америка структурализми лексик функцияига эга бўлган элеменгар бирликни ажратишга эҳтиёж сезмадилар. Дескриптив лингвистикада учрайдиган сўз (word) атамаси, асосан, морфемалар занжири, морфологик сўз тушунчасини ифодалайди.

Л.Блумфильд сўзнинг конструкция эканлигини таъкидлайди⁷³. Демак, сўз икки ва ундан ортиқ морфемаларнинг бирликувидан ташкил топган конструктив бирлик сифатида қаралади. Ана шун-

⁷¹ Ч е й ф У. Значение и структура языка. М... 1975.

⁷² Н о в и к о в А. А. Семантика русского языка. М., 1982. С.76.

⁷³ Б л у м ф и л ь д Л. Язык. С.225.

дан келиб чиққан ҳолда “Общее языкоzнание. Внутренняя структура языка” китобида ҳам сўзга морфемалар бирикувидан ташкил топган бутунлик, деб қаралади. Унда таъкидланишича, сўз морфемаларнинг ҳар қандай бирикувидан эмас, балки маълум схема асосида (“лексик морфема+грамматик морфема”) морфемалар бирикувидан ташкил топган бутунлик саналади⁷⁴.

Кўринадики, бу китобда сўз тил бирлиги сифатида, умуман, инкор этилмайди. Унинг модели (схемаси) сўз атамаси остида тил бирлиги сифатида эътироф этилади. Унинг конкрет морфемалар билан тўлдирилган реал кўринишлари эса нутқ бирликлари саналади. Сўзга бундай ёндашув В.М.Солнцевга ҳам тааллуклидир⁷⁵.

Сўзга морфемаларнинг синтагматик муносабатидан ташкил топган бутунлик сифатида қараш тил сатҳлари ўртасидаги интегратив муносабатни ўзида тўғри намоён этса ҳам, лекин тил фактларини тўла қамраб ололмайди. Шу билан биргаликда, ҳар қандай сўз лексема асосида, лексеманинг бошқа морфемани бириктириб олишидан ташкил топа бермайди. Лексема аташ семаси билан боғлиқ. Демак, ҳамма лексемада аташ семаси мавжуд бўлади. Айрим сўзлар эса аташ семасига эга эмас. Хусусан, лекин, бироқ, факат, оғарин сингарилар сўз, лекин лексема эмас. Лекин юқоридаги сўзлар ички маъноли қисмларга бўлинувчанлик хусусиятига ҳам эга эмас. Демак, қурилмалик белгиси ҳам ҳамма сўзларни қамраб ололмайди.

Шунинг учун ҳам айрим муаллифлар сўз моҳиятини белгилашда “унинг гап таркибида эркин тартибини ўзгартира олиши”, “автоном синтагма эканлиги”, “гап ҳосил қила оладиган ва ўзи фонемалардан ҳосил бўла оладиган минимал маъноли эркин бирлик эканлиги”⁷⁶ белгиларини асос қилиб оладилар.

Прага тильтшунослари сўзни инкор этувчиларнинг фикрларига танқидий муносабат билдирап эканлар, “функционал нуқтаи назардан унинг мавжудлиги аниқ” лигини баён қиласилар⁷⁷.

Сўзни тил системасининг марказий бирлиги сифатида ажратилишига Ш.Балли, Л.Шчерба ҳам шубҳа билдирган эди. Н.Д.А-

⁷⁴ Общее языкоzнание // Внутренняя структура языка. М., 1971. С.109.

⁷⁵ С о л н ц е в В. М. Язык как системно-структурное образование. С.264.

⁷⁶ Т р и к а Б. Дискуссии по вопросу структурализма. // Звеницев....С.104.

⁷⁷ М а р т и н е А. Основы общей лингвистики. // Новое в лингвистике. III. М., 1963. С.466.

⁷⁸ Б е н в е н и с т Э. Общая лингвистика. С.134.

⁷⁹ Тезисы пражского лингвистического кружка. // Звеницев Ҷ. С.73.

рутюнованинг морфемани иккиланмай белги деб ҳисоблаши белгини тилнинг функционал бирлиги сифатида қарамасликка олиб келди. Бу эса тилнинг белгилар системаси сифатидаги хусусиятига зид келади. Шундай экан, морфемани алоҳида белги сифатига ажратиш мумкин эмас. Чунки у функционал бирлик эмас.

В.Звегинцев ҳам сўзни тилнинг асосий бирлиги эканлигини ёзтироф этади. Унинг фикрича, сўздан пастга тушсак, тил томонидан белгиланган дискрет муносабатлар ташқарисида қоламиз. У ҳар қандай сўздан қуи бирликлар нутқ «техника»сига оид эканлигини кўрсатади⁸⁰.

Сўзнинг қизиқ томони шундаки, у тил эгаси томонидан осон ажратилади, лекин лингвистлар томонидан қийин аниқланади. Сўзнинг ана шундай қийин аниқланишини асос қилиб айрим ўзбек олимлари ҳам уни тил бирлиги сифатида рад этадилар. Уларнинг фикрича, лексема-сўз (аслида морфологик сўз) нутқий ҳодиса бўлиб, морфемаларнинг нутқдаги комбинациясидан ҳосил бўлади. Чунки сўздан қуи бирликларни эмик ва этик бирликларга ажратса бўлади. Лекин сўз бундай хусусиятга эга эмас⁸¹.

Тил ва нутқ бирликларини абстракт ва конкрет бирлик сифатига қарама-қарши қўйиш, сўзни шу оппозицияга тушириб бўлмаслик бу олимлар томонидан сўзни тил бирлиги сифатида мавжуд эмаслигини асословчи далил қилиб келтирилади. Аслида сўз ҳам шу оппозицияга тушади. Тил бирлиги сифатида индивид онгига сўзнинг моддий қобиғининг умумлашган образи мавжуд бўлади. Нутқий жараёнда бу белги ҳар бир сўзловчи томонидан янгидан яратилади. Белгининг ҳар сафар янги «нусхаларда» намоён бўлишига сўзловчининг бу белгининг бўлиши ва уни талаффуз қила олиши асос бўлади⁸².

Т.П.Ломтев Ф.де Соссюрнинг тил ва нутқ фарқланишини турли фанларнинг ўрганиш обьекти эканлиги ҳақидаги концепциясини танқид қиласар экан, бу чекланишга барҳам беришнинг ягона йўли диалектикадаги моҳият ва унинг воқеланиши катерориясини кўллаш эканлигини таъкидлайди. Тил-нутқ зидланишига ана шу катерория асосида ёндашув бир фактни тилга, бошқа фактни нутқга мансуб деган қарашга барҳам беради. Бу катерория нутқтаи назаридан, нутқда тилга хос бўлма-

⁸⁰ З в е г и н ц е в В. Я. Язык и лингвистическая теория. М., 1973. С.226-27.

⁸¹ Н е ъ м а т о в Х. Сўз, унинг тил ва нутқдаги ўрни. Ўзбек тили ва адабиёти, 1988. № 6.

⁸² Қаранг: С о л н ц е в В. М. Ўша асар. 15-бет.

ган бирликларнинг бўлиши, тилда эса нутқда воқеланмаган бирлик-нинг бўлиши мумкин эмас. Тил ва нутқ ҳодисалар фарқланиши асосида эмас, балки моҳият ва ҳодиса фарқланиши асосида бир-бираидан фарқланади. Ана шу нутқтаи назаридан сўзгина эмас, балки сўз бирликлари ва гаплар ҳам тил бирликлари саналади⁸³. Барча лингвистик бирликлар тил ва нутқ бирликлари ҳисобланади: бир томондан улар тилга, иккинчи томондан нутқда қаратилган бўлади⁸⁴.

Бундай нутқтаи назардан конструкцияларни имконият сифатида тилга мансуб эканлигини ва унинг конкрет морфемик ва лексик бирликлар билан воқеланишини нутқда хос эканлигини эътироф этиш мумкин. У ҳолда конструкцияни ҳам модел сифатида тил сатҳлари бўйича сўз моделлари, гап моделларига бўлиш эҳтиёжи сезилади. Сўз моделлари нутқ жараёнида конкрет сўзлар ёки сўз шакллари, гап моделлари эса жумлалар орқали воқеланади.

Синтактик сатҳда гап модели учун соддароқ қилиб *gap*, унинг нутқда воқеланиши учун эса жумла атамасидан фойдаланиш мумкин. У вақтда тил-нутқ зидланишини тил сатҳлари бўйича куйидаги жадвал орқали кўрсатиш мумкин:

⁸³ Ломтев Т. П. Язык и речь. // —История советского языкоznания. Хрестоматия. М., 1981, 72.

⁸⁴ Ломтев Т.П. Ўша асар. 75-бет.

№	Нуткий фаолиятнинг таркибий қисмлари		Тил сатҳлари	Тилшунослик бўлимлари
	Тил бирликлари	Нутқ бирликлари		
1.	Фонема	Товуш, (фонема варианти, аллофон, фон)	Фонологик ва фонетик сатҳ	Фонология ва фонетика
2.	Морфема	Морфема варианти (морф, ёки алломорф)	Морфемик сатҳ	Морфемика
3.	Лексема	Лексема варианти (лекс ёки аллолекс)	Лексик сатҳ	Лексикология
4.	Фразема	Фразема варианти (аллофразема)	Фразеологик сатҳ	Фразеология
5.	Конструкция			
	5.1.	Сўз модели	Сўз шакли	Морфологик сатҳ
	5.2.	Бирикма модели	Сўз бирикмаси	Синтактик сатҳ
	5.3.	Гап ёки гап модели	Жумла	

Х У Л О С А

Ҳозирги кунда тилнинг белгилар системаси эканлигини деярли барча тилшунослар эътироф этадилар. Лекин лингвистик белгининг тузилиши масаласида тилшунослар икки хил фикр билдирадилар. Уларнинг бири лингвистик белги бир томонлама моҳиятдир, у фақат ифодаланмиши ўз ичига олади, десалар, иккинчи гуруҳ тилшунослар унинг ик-ки томонлама моҳият эканлигини, ифодаловчи ва ифодаланмиш бир бутунлигидан иборат эканлигини баён қиласидар. Тил белгиси билан тил бирликлари ўртасидаги фарқли хусусиятлар ҳам тил белгисига икки хил ёндашув асосида талқин қилинади.

Лингвистик белгининг монолетариилистик ёндашувида тил бирликлари ифодаловчи ва ифодаланмиш бир бутунлигидан ташкил топиши билан лингвистик белгидан фарқланади. Бунга мувофиқ, фақат маъноли бирликларгина (сўз-лексе-ма, морфема, синтаксема) тил бирликлари саналади (В.Солнцев). Фонема маъно ифодаламаганлиги учун тил бирликлари қаторига киритилмайди.

Лингвистик белгининг билатералистик концепциясида эса, аксинча, маъноли бирликлар лингвистик белги саналгани ҳолда, тил бирликлари реал бирликларнинг (нутқ бирликларининг) умумлашган типи сифатида талқин қилинади. Бунга мувофиқ, фонема лингвистик белги эмас, чунки маъ-но ифодаламайди. Лекин у тил бирлиги, чунки муайян товушларнинг умумлашган типидир. Шунингдек, морфема, лексема, фразема, синтаксемалар ҳам тил бирликлари, улар-нинг намоён бўлиш шакллари эса (аллофон, алломорф, аллолекс ва бошқалар) нутқ бирликларидир.

Лингвистик белгининг ифодаловчиси билан ифодаланмиши ўртасида қисман мотивация муносабати бўлса ҳам, лекин, умумланган олганда, улар ўртасидаги муносабат эркиндиндир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Б л о х М. Я. Теоритические основы грамматики. М. 1986.
2. Б у д а г о в Р. А. К вопросу о месте советского языкоznания в современной лингвистике // ВЯ. 1981, № 2.
3. В е т р о в А. А. Семантика и ее основные проблемы. М., 1968.
4. В о л к о в А. Г. Язык как система знаков. М., 1966.
5. Г а м к р е л и д з е Т.В. К проблеме «произвольности» языкового знака // ВЯ. 1972 № 6.
6. З в е г и н ц е в В. А. Язык и лингвистическая теория. МГУ, 1973.
7. К л а у с Г. Сила слова. М., 1967.
8. Ле онтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. М., 1969. С. 43-49.
9. Л о с е в А. Ф. Знак. Символ. Миf. М., 1982.
10. П а н о в Е. Н. Знаки. Символы. Языки. М., 1983.
11. П а н ф и л о в В. З. Философские проблемы языкоznания. М., 1977.
12. П а н ф и л о в В.З. О гносеологических аспектах проблемы языкового знака // ВЯ. 1977, № 2.
13. С а в ч е н к о А. Н. Язык и система знаков // ВЯ. 1972, № 6.
14. С е р е б р е н н и к о в Б. А. О материалистическом подходе к явлениям языка. М., 1983.
15. С л ю с а р е в а Н. А. Теория Ф.де Соссюра в свете совре-менной лингвистики. М., 1975.
16. С о л н ц е в В. М. Языковой знак и его свойства // ВЯ. 1977, № 2.
17. С о с с ю р Ф. де. Труды по общему языкоznанию. М.: 1977.

МУНДАРИЖА

Сўзбоши	3
Гилнинг белгилар системаси эканлиги	4
Белги турлари	7
Лингвистик белгиларнинг ўзига хос хусусиятлари	8
Лингвистик белгининг эркинлиги	9
Лингвистик белгининг кетма - кетлиги	10
Лингвистик белгининг дискретлиги	11
Лингвистик белгининг ўзгармаслик ва ўзгарувчанлиги	11
Белги структураси	13
Лингвистик белгининг беш томони	23
Лингвистик белгининг моддийлиги	25
Лингвистик белгига мотивация масаласи	27
Белги ва тил бирликлари	31
Тил ва нутқ	31
Хулоса	45
Фойдаланилган адабиётлар	46

АБДУҲАМИД НУРМОНОВ
ЛИНГВИСТИК БЕЛГИ НАЗАРИЯСИ

Илмий рисола

*Мұхтарріп: М. Содиқова
Дизайнер: И. Сайдов
Сахифаловчи: Д. Жалилов.*

Нашриёт рақами: з-225
Босишга рухсат этилди: 2008 йил 1 октябр.
Босмахонага топширилди: 2008 йил 15 октябр.
Бичими: 60x84 1/16. Ҳисоб-нашриёт табоги: 2.5.
Шартли босма табоги: 3 Адади: 500.
97 сонли буюртма
Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан»
нашриёти, 100170, Тошкент, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

ISBN 976-9943-09-686-8



9 789943 096868